

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
З.М.БОБУР НОМЛИ
АНДИЖОН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**

УМУМИЙ ТАРИХ КАФЕДРАСИ

Кўлёзма ҳуқуқида

Мўминов Иқбол

**Мавзу: “XX аср бошларида АҚШ саноатининг
ривожланиши тарихидан”.**

**5220200 – «Тарих» (мамлакатлар ва минтақалар бўйича) таълим йўналиши
бўйича бакалавр академик даражасини олиш учун**

БИТИРУВ МАЛАКАВИЙ ИШИ

Иш раҳбари: катта ўқитувчи Д.Мусаев.

АНДИЖОН - 2013

М У Н Д А Р И Ж А:

| | |
|--|----|
| Кириш..... | 3 |
| 1. XIX аср охири ва XX аср бошларида АҚШ иқтисодий ва сиёсий тараққиётининг ўзига хос хусусиятлари..... | 14 |
| 2. АҚШ иқтисодиётининг ривожланишини аҳолига таъсири ва унинг аҳволи..... | 24 |
| 3. АҚШ иқтисодиётидаги тарихидан ислоҳотлар даври.. | 35 |
| Хулоса..... | 49 |
| Фойдаланилган адабиётлар рўйхати..... | 56 |

К И Р И Ш

Мамлакатимиз мустақилликка эришгандан сўнг жамият иқтисодий-сиёсий ҳаётининг барча жабҳаларида ва кенг ўзгаришлар даври бошланди. Бу жараён интеллектуал соҳада ҳам ўз аксини топди. Натижада энг асосий ижтимоий гуманитар фан ҳисобланган тариз фани олдига ҳал этилиши лозим бўлган долзарб муаммоларни кўндаланг қилиб қўйди.

Чунки совет лаври тарихшунослиги нуқтаи назаридан фақат бир томонлама ўрганилиб тадқиқ қилиб илмий тадқиқот ишлари яна қайтадан тадқиқ қилина бошланди.

“Мустақилликка эришганимиздан кейин халқимизнинг ўз юрти тили маданияти қадриятлари тарихини билишга ўзлигини англашга қизиқиш ортиб бормоқда. Ўзликни англаш тарихни билишдан бошланади. Исботталаб бўлмаган ушбу ҳақиқат давлат сиёсати даражасига кўтарилиши зарур”.¹

Маънавиятни тарғиб қилиш ҳар бир зиёлининг виждон ишидир. Маърифатли фидойи бўлмоғи керак. Маънавиятни тиклаши, туғилиб ўсган юртида ўзини бошқалардан кам сезмай бошини баланд кўтариб юриши учун инсонга албатта тарихий хотира керак.²

Тарихий хотираси бор инсон иродали инсон, жамиятнинг ҳар бир аъзоси ўз ўтмишини яхши билса бундай одамларни йўлган уриш ҳар хил ақидалар таъсирига олиш мумкин эмас. Тарих сабоқлари инсонни ҳушёрликка ўргатади, иродасини мустаҳкамлайди.

Бирон бир жамият маънавий имкониятларни одамлар онгида маънавий ахлоқий қадриятларни ривожлантирмай ҳумда мустаҳкамламай туриб ўз истиқболини тасаввур эта олмайди.

Халқнинг маданий қадриятлари маънавий меросининг минг йиллар мобайнида шарқ халқлари учун қудратли маънавият манбаи бўлиб хизмат

¹ Қаримов И.А. Тарихий хотирасиз келажак йўқ. Тошкент, 1998, Б.8

² Ўша жойда. Б.5

қилган. Узоқ вақт давом этган каттиқ мафкуравий тазйикқа қарамай Ўзбекистон халқи авлоддан авлодга ўтиб келган ўз тарихи ва маданий кадриятларини ҳамда ўзига хос анъаналарини сақлаб қолишга муваффақ бўлди.

Мустақиллигимизнинг дастлабки кунлариданоқ аجدодларимиз томонидан кўп асрлар мобайнида яратиб келинган ғоят улкан бебаҳо маънавий ва маданий меросини тиклаш давлат сиёсати даражасига кўтарилган ниҳоятда муҳим вазифа бўлиб қолди. Биз маънавий кадриятларни тиклашни ўзликни англашнинг ўсишидан қайтишдан иборат узвий табиий жараён деб ҳисоблаймиз.¹

Бугун биз тарихий бир даврда халқимиз ўз олдига эзгу ва улуғ мақсадлар қўйиб тинч осойишта ҳаёт кечираётган, авваламбор ўз куч ва имкониятларига таяниб, демократик давлат ва фуқаролик жамиятни қуриш йўлида улкан натижаларни қўлга киритаётган бир замонда яшамокдамиз.

Биз ўз тақдиримизни ўз қўлимизга олиб азалий кадриятларимизга суяниб шу билан бирга тараққий топган давлатлар тажрибасини ҳисобга олган ҳолда мана шундай олижаноб интилишлар билан яшаётган халқимиз асрлар давомида орзиқиб кутган озод, эркин ва фаровон ҳаётни барпо этаётганимиз бу йўлда эришаётган ютуқларимиз халқаро ҳамжамият тан олгани бундай имкониятларнинг барчасини айнан мустақилик берганини бугун ҳаммамиз чуқур англаймиз.

Ана шу ҳақиқатни халқимиз ҳар томонлама тушуниб танлаган тараққиёт йўлимизни онгли равишда қабул қилгани ва қўллаб қувватлаётгани олдимизга қўйган мақсадларга эришишнинг асосий манбаи ва гарови эканини ҳаётнинг ўзи тасдиқламоқда.

Биз миллий маънавиятни ҳар томонлама юксалтириш масаласини ўз олдимизга асосий вазифа қилиб қўяр эканмиз, бугунги кунда маънавиятимизни шакллантирадиган ва унга таъсир ўтказадиган барча

¹ Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. Тошкент, 1997, Б.137

омил ва мезонларни чуқур таҳлил қилиб, уларнинг бу борада қандай ўрин тутишини яхши англаб олишимиз мақсадга мувофиқ бўлади. Албатта ҳар қайси халқ ёки миллатнинг маънавиятини, унинг тарихи, ўзига хос урф одат ва анъаналарини ҳаётий қадриятларидан айри ҳолда тасаввур этиб бўлмайди. Бу борада табиийки маънавий мерс, маданий бойликлар, кўхна тарихий ёдгорликлар энг муҳим омиллардан бири бўлиб хизмат қилади.

Бизнинг қадимий ва гўзал диёримиз нафақат шарқ балки цивилизацияси бешикларидан бири бўлгани халқаро жамоатчилик тан олмоқда ва эътироф этмоқда. Бу табаррук заминда не-не буюк зотлар, олиму уламолар, сиёсатчи ва саркардалар етишиб чикқани умумбашарий цивилизация ва маданиятнинг узвий қисмига айланиб кетган дунёвий диний илмларнинг айниқса имлом дини билан боғлиқ билимларнинг тарихан жнг юқори босқичга кўтарилишида Она юртимизда туғилиб камолга етган улуғ алломаларнинг хизматлари беқиёс экани бизга улкан ғурур бағишлайди.¹

Бу кўхна тупроқда милодгача бўлган даврда ва ундан кейин қурилган мураккаб сув иншоотлари ҳали ҳануз ўзининг кўрку тароватини сақлаб келаётган осари-атиқаларимиз қадим қадимдан ўлкамизда деҳқончилик ва ҳунармандчилик маданияти, меъморлик ва шаҳарсозлик санъати юксак даражада ривожланишидан далолат беради. Мамлакатимиз худудида мавжуд бўлган тўрт мингдан зиёт моддий маънавий обида умумжаҳон меросининг ноёб намунаси сифатида Юнеско рўйхатига киритилгани ҳам бу фикрни тасдиқлайди.

Ҳаётимизнинг барча соҳаларида амаога оширилаётган кенг кўламли ислоҳотларимизнинг самарадорлиги аввало халқ маънавиятининг тикланиши бой тарихий меросимизнинг чуқур ўрганилиши, анъана ва урф одатларимизнинг сақланиши, маданият ва санъат, фан ва таълим ривожини энг муҳими жамият тафаккурининг ўзгариши ва юксалиши билан узвий боғлиқлири. Шу боисдан ҳам ўз ҳақ ҳуқуқни танийдиган ўз кучи ва

¹ Каримов И.А. Юксак маънавият-енгилмас куч. Тошкент, 2008. Б.30

имкониятларига таянадиган ён атрофида содир бўлаётган воқеа ва ҳодисаларга мустақил ёндоша оладиган айни змонда шахсий манфаатларини мамлакат ва халқ манфаатлари билан уйғун ҳолда кўрадиган ҳар жиҳатдан истиқлол йилларида биз учун ҳал қилувчи масалага айланди.¹

Тарих хотираси халқнинг жонажон ўлканинг давлатимиз ҳудудининг холис ва ҳаққоний тарихини тиклаш миллий ўзликни англашни таъбир жоиз бўлса миллий ифтихорни тиклаш ва ўстириш жараёнида ғоят муҳим ўрин тутди.

Тарих миллатнинг ҳақиқий тарбиячисига айланиб бормоқда. Буюк аجدодларимизнинг ишлари ва жаморатлари тарихий хотирамизни шакллантириб янги фуқаролик онгини шакллантирмоқда. Тарихий тажриба анъаналарнинг мерос бўлиб ўтиши буларнинг барчаси янгидан янги авлодларни тарбиялайдиган кадриятларга айланиб қолмоғи лозим.

Халқимизнинг этник, маданий ва диний саб бардоши маънавий уйғонишнинг яна бир битмас туганмас манбаидир. Ижтимоий ҳаётимизни ислоҳ қилиш ва янгилаш бошланиб кетганлиги боис маънавий маданиятнинг қудратли қатламлари очилди. Улар халқ руҳиятини ватанпарварлик, миллий ифтихор, бутун дунё учун бағрикенглик томон кескин ўзгартириб юборди.

Мустақиллик мамлакатимиз алоҳисининг билим доирасини кенгайтди. Тарих ва ҳозирги замон воқеликларига мурожаат қилиш бизнинг ижтимоий тафаккуримиздан ҳаётни идрок этишнинг мавҳум ва ақидапарастлик қолипларини енгиб ўтишни, мустақил фикр юритиш ва рўй бераётган ҳодисаларни баҳолаб олиш қобилиятини талаб этади.

Маънавий тикланиш ва фикрлаш тарзини мустақиллик руҳи белгилайдиган янги авлодга мансуб ижодий зиёлиларнинг пайдо бўлиши демакдир. Бизнинг тушунишимизга қотиб қолган эски ақидалардан воз кечиш, ўз тарихий ўтмишимиздан воз кечиш дегани эмас. Бу бир ёқлама ва

¹ Каримов И.А. Юксак маънавият-енгилмас куч. Тошкент, 2008. Б.77

тор фикрлашдан воз кечиш демакдир. Миллий тафаккур ўз тараққиётида маданий қурилиш вазифаларига дунё миқёсида ёнрдашиши бошқа халқларнинг тақдири уларнинг ўзаро муносабатлари билан яқиндан қизиқиши улар ҳаётининг энг теран нуқталарига кириб бориши миллий манфаатларни ҳисобга олиши керак.¹

Мамлакатимиз мустақиллигини жаҳондаги давлатлар ва халқаро ҳамжамият илиқлик билан кутиб олиб илк кунларданок муносабатлар ўрнатиб ҳамкорлик алоқаларини ўрната бошлаганлар. Ўзбекистонни мустақил ривожланишидаги ўтган қисқа тарихий даврда республикани суверен давлат сифатида қарор топтириш юзасидан улкан ишлар амалга оширилди. Ҳозир Ўзбекистонни 165 дан ортиқ давлат тан олган. Дунёдаги 120 дан ортиқ мамлакат билан расмий дипломатик муносабатлар ўрнатилган. Тошкентда 35 дан ортиқ мамлакатларни элчихоналари фаолият кўрсатмоқда.

Бугунги кунда Ўзбекистон тўла ҳуқуқли асосда энг обрўли ва нуфузли халқаро ташкилотлар таркибига кирган бўлиб, барча қитъалардаги ўнлаб мамлакатлар билан дўстони алоқаларни ривожлантириб келмоқда.²

Бундай алоқаларни йўлга қўйилиши ва ривожланиши Ватан тарихи билан бир қаторда жаҳон тарихини ҳам мукамал даражада ўргатилиб, давлат сиёсати даражасига кўтарилишини талаб этади.

Жаҳон ҳамжамиятининг мустақил Ўзбекистони тан олиши давлатимиз кенг ташқи сиёсай ва ташқи иқтисодий фаолияти ўзбек халқининг маънавий қадриятлари ва имкониятлари тикланишига ўзини бошқа халқлар оиласидаги тўла ҳуқуқли миллат сифатида англаб етишига янада куч бахш этди. Кенг миқёсдаги халқаро алоқалар жаҳон маданиятини янада чуқурроқ билиш, умуминсоний қадриятлардан баҳраманд бўлиш учун қулай замин яратди. Айни маҳалда ўзбек халқининг

¹ Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. Тошкент, 1997, Б.151

² Ўша жойда. Б.297

турли фаолият соҳаларидаги истеъдоди ривожланишига унинг тадбиркорлик ва киришлилик, бир неча чет тилларини тез ўрганиб олиш каби ноёб фазилатлари тўла тўқис рўёбга чиқишига имкон берди.

Дунёнинг демократик кадриятлардан баҳраманд бўлишда аҳолининг билидонлиги муҳим аҳамият касб этмоқда.

Халқимизнинг келажаги энг аввало унинг ўзига маънавий қудратига ва миллий онгининг ижодий кучига боғлиқдир. Моддий фаровонликка интилиш миллатнинг маънавий ва ақлий ўсишига ғов бўлмаслиги лозим. Маънавийлик ва маърифийлик халқимизнинг кўп асрлик тарихи давомида доимо унинг жнг кучли ўзига хос хусусияти бўлиб келди.

Бизнинг анъанавий кадриятларимизнинг ҳозирги демократик жамиятнинг кадриятлари билан уйғунлаштириш келажакда янада раванк топишимизнинг жамиятимиз жаҳон ҳамжамиятига қўшилишининг горовидир.

Шунинг учун ҳам мен ўз битирув малакавий ишим мавзусини Жаҳон тарихининг муҳим мавзуларидан бир ҳисобланган АҚШ тарихининг XX аср бошларидаги иқтисодий тараққий масаласини ёритмоқчиман.

Америка Қўшма Штатлари, Пойтахти Вашингтон, худуди 9363200км² кўп миллатли давлатдир.

Шимолий Америкада жойлашган бўлиб Шимолда Канада, Жанубда Мексика билан чегарадош. Ғарбда Тинч океани, Шарқда Атлантика океани, Жанубда Мексика кўрфази билан туташиб кетган. Бундан ташқари АҚШга Гавай ороллари, Гуам ороли. Шарқий Самоа, Виргин ороллари ҳамда Куба оролидаги Гуантанамо ҳарбий базаси қарашлидир. Майдони жиҳатида жаҳонда Россия, Канада ва Хитойдан кейин тўртинчи ўринда туради.

Давлат тузилиши Федератив Республика, мамлакат таркиби 90та штатдан иборат. Миллий байрамлари 4 июл Мустақиллик куни, 22 февраль Жорж Вашингтон туғилган кун. 11 ноябрь Уруш қаҳрамонлари куни. Қонунчилиги инглиз умумий ҳуқуқига асосланган. Давлат ва ҳукумат

бошлиғи Президент 4 йил муддатга сайланадми. Қонун чиқарувчи жамиятни Сенат ва Вакиллар палатасидан ташкил топган икки палатали парламент Конгресс амалга оширади. Асосан иккита, сиёсий партия мавжуддир. Республикачилар ва Демократлар¹

Дастлаб ҳиндулар истиқомат қилган ҳозирги АҚШ ҳудудига илк бор европаликлар XVI асрда келишган, Шимолий Американинг мустамлакалаштирилиши оқибатида XVIII асрга келиб бу ерда учта таъсир зонаси ташкил топган. Испанлар Флоридада, Техасда ва Тинч океан соҳилларида, французлар, Буюк кўллар ва Лунзианова, инглизлар-Атлантика соҳиллари бўйларидаги ҳудудларда. 1774 йилда 13 та британ мустамлакаси мустақиллик учун кураш якунланган Ж.Вашингтон ва Б.Франклин томонидан тузилган демократик давлатнинг асосий тамойиллари билан бирга штатларнинг кенг ҳуқуқлари ҳамда кучли федерал ҳокимият тамойиллари чамбарчас боғланиб кетган конституция 1787 йил 17 сентябрида қабул қилинган.

XIX асрнинг биринчи ярмида АҚШнинг ҳудудларининг кенгайтирилиши янги ерларни харид қилиш билан бирга (французлардан Луизианани, испанлардан Флоридани)ўзга давлатларнинг колонияларини босиб олиш воситасида амалга оширилади.

Янги ерларни колонизация қилиш маҳаллий ҳиндуларни бўйсундириш йўли билан олиб борилган. Жанубий ва Шимолий штатлар ўртасида иқтисодий ва маданий қарама-қаршиликлар 1781 йилда федерациядан ажраб чиқишни эълон қилган. 11 та жанубий штатлар конфедерациясининг ташкил этилишига олиб келган.

Фуқаролар уруши бошларида бир қатор муваффақиятларни қўлга киритган жанубликлар охирида мағлубиятга учраб, шимол ғалаба қозониб, федерацияни сақлаб қолишган. 1867 йилда АҚШ Россиядан Аляскани ва Алеут оролларини харид қилган. XIX асрнинг охири ва XX аср бошларида

¹ Жаҳон мамлакатлари. Қисқача маълумотнома. Тошкент, 2006, Б.15

Европа ва бошқа қитъалардан кўплаб мухожирлар кўчиб келиши оқибатида АҚШ иқтисодий жиҳатдан қудратли давлатга айланган.¹

Марказий Америка Кариб ҳавзаси мамлакатлари ва Тинч океанида ўз таъсир зоналарини фаоллик билан кенгайтириб борган. АҚШ узоқ вақтгача Европада бўлиб ўтаётган воқеаларга нисбатан бетарафликни сақлаб келган.

АҚШ 1917 йил 4 апрелда I Жаҳон урушига кўшилиб уруш тугаганидан сўнг Сенат Версал шартномаси қарорларини қўллашдан бош тортган. Урушдан кейинги мамлакат иқтисодининг тез суръатлар билан ўсиши 1929 йилда Буюк депрессия либерал иқтисоднинг чуқур инқорози даври билан алмашди. Инқироз ишлаб чиқаришнинг қисқариши, иқтисодий муаммоларга сабаб бўлган.

АҚШ илғор индустриал ва саноатнинг юқори диверсификациясига эга давлат бўлиб нефть саноати (дунёда иккинчи ўринда) металлургия (алюминий, кўрғошин, мис ишлаб чиқариш бўйича энг йирик давлатдир). Машинасозлик, аэрокосмик, кимё электрон, озиқ-овқат, ёғочни қайта ишлаб ва бошқа саноат соҳалари кенг ривожланган.

Верлай иқлим шароити ва унумдор ерларнинг мавжудлиги қишлоқ хўжалигини ривожланишига яхши омил яратади. Чорвачилик маҳсулотлари ҳам турфа (дунёда гўшт маҳсулотлари ишлаб чиқариш бўйича бешинчи ўринда). Асосий қишлоқ хўжалик маҳсулотлари маккажўхори, соя, сарго (учаласини етиштириш бўйича дунёда биринчи ўринда) буғдой (учинчи ўринда) шакарқамиш (иккинчи ўринда) тамаки (иккинчи ўринда) пахта (учинчи ўринда) картошка. Шу билан бирга АҚШ балиқ овлаш бўйича илғор мамлакатлардан бири ҳисобланади. Қишлоқ хўжалигининг маҳсулотларини катта қисми бошқа мамлакатларга экспорт қилинади. Қўшма Штатлар ташқи савдо ҳажми бўйича жаҳон

¹ Жаҳон мамлакатлари. Қисқача маълумотнома. Тошкент, 2006, Б.15

мамлакатларидан олдинда.¹ Асосий савдо ҳамкорлари Ғарбий Европа мамлакатлари Канада, Япония.

АҚШ мамлакатимиз мустақиллигини давстлаб тан олган давлатдан бири ҳисобланади. Шу боис 1992 йилдаёқ бу икки мамлакатлар ўртасида дипломатик муносабатлар ўрнатилади. Ўзбекистон жаҳоннинг етакчи давлати бўлган АҚШ билан узок муддат ва кенг кўламда муносабатларни ривожлантиришни ўз ташқи сиёсатининг устивор стратегик йўналиши деб ҳисоблайди.

1995 йилда АҚШ мудофаа вазири У.Перри Ўзбекистонга ташриф буюрган, сўнгра Ўзбекистон мудофаа вазири АҚШда бўлиб қайтган. Бу ташрифлар Ўзбекистоннинг НАТО билан алоқаларини кенгайтиришда муҳим аҳамиятга эга бўлган. Ўзбекистон қуроллик кучларининг махсус взводи АҚШга жўнатилган. У ерда Натонинг “Тинчлик йўлидаги ҳамкорлик” дастури доирасида ўтказилган ҳарбий машқларда қатнашган.

1996 йилнинг 23-28 июн кунлари Ўзбекистон Президенти И.Каримов расмий ташриф билан АҚШда бўлган. Ташриф чоғида Президент Б.Клинтон билан сиёсий иқтисодий ва ҳавфсизлик соҳаларида ҳамкорлик масалаларига алоҳида эътибор берганлар. АҚШ Президенти Марказий Осиё минтақасида тинчлик ва барқарорликни таъминлаш борасида Ўзбекистон етакчи ўринда турганлигини эътироф этган.

2001 йилнинг 11 сентябрида халқаро терроризм АҚШда мудҳиш жиноят содир этган. Террорчилар ўзлари эгаллаб олган самолётда Нью-Йорк шаҳрида жойлашган “Халқаро савдо маркази” биносини вайрон этганлар. Иккинчи самолётда АҚШ мудофаа вазирлиги биносига ҳужум қилишга йўналтирилган самолёт мўлжалга етиб бора олмаган. Бу мудҳиш жиноятни халқаро террорчи “Ал-Қоида” ташкилоти уюштирган эди. Буни АҚШ раҳбарияти халқаро терроризмнинг АҚШ нисбатан агрессияси деб баҳолаган.²

¹ Жаҳон мамлакатлари. Қисқача маълумотнома. Тошкент, 2006, Б.16

² Лофасов М. Жаҳон тарихи. Тошкент, 2009, Б.176

АҚШ ҳукумати Афғонистоннинг Толибон ҳукуматидан “Ал-Қоида” ва бошқа террорч ташкилотлар фаолиятини таъқиқлаб қўйишни ҳамда ташкилот раҳнамоси Усама бин Ладенни АҚШга топширилишини талаб этган. Бирок Толибон ҳукумати бу талабни бажармаган.

Шундан сўнг АҚШ ҳукумати террорчиларга қарши ҳарбий ҳаракат бошлашга қарор қилди. Халқаро ҳамжамият унинг тенг ҳуқуқли бир аъзоси сифатида Ўзбекистон Республикаси ҳам АҚШ бу қарорини қувватлаган. Шу тариқа халқаро терроризмга қарши халқаро коалиция Афғонистон ҳудудига жойлашиб олган халқро террорчиларни тор-мор этган. Ўзбекистон ҳам муносиб ҳисса қўшган. Бу ҳақда АҚШ сенатининг раҳбарларидан бири Ж.Либерман шундай деган: “Биз Ўзбекистоннинг ёрдамсиз террорчилар устидан ғалаба қозона олмаган бўлар эдик”.

Ўзбекистоннинг халқаро терроризмга қарши кураш ишига қўшган ҳиссаси унинг халқаро обрўсини оширди. АҚШ Президенти Ж.Бушнинг И.Каримовни АҚШга таклиф этганлигини бунинг эътирофи бўлди. 2002 йилнинг 11 март куни Ўзбекистон Президенти И.Каримов расмий визит билан АҚШга келган,

Икки давлат президентлари усрашув чоғида Ж.Буш И.Каримовга Америка халқини энг оғир кунларда қатъиятлилиги билан қўллаб-қувватлаганлиги учун яна бир бор чуқур миннатдорчилик билдирди. Айни пайтда Ўзбекистон кўрсатган ёрдамни АҚШ ҳукумати ва халқи унтмаслигини таъкидлади.

Сафар давомида АҚШ-Ўзбекистон алоқаларига доир бир неча ҳужжатлар имзоланди. Улар ичида стратегик ҳамкорлик тўғрисидаги шартнома алоҳида аҳамиятга эгадир. Шу тариқа АҚШ-Ўзбекистон ўртасида шериклик муносабати вужудга келди.¹

АҚШ жамоатчи ташкилотлари халқаро терроризмга қарши курашга қўшган ҳиссаси учун И.Каримовни “Халқаро миқёсдаги буюк давлат арбоби” мукофоти билан тақдирлаганлар. Сафар 14 март куни ниҳоясига

¹ Лофасов М. Жаҳон тарихи. Тошкент, 2009, Б.177

етган. Ҳар икки давлат ўртасида иқтисодий алоқалар ва ҳамкорлик кенгайтирилди. Ўзбекистондан 3000 дан ортиқ Америка Ўзбекистон қўшма корхоналари ишламоқда. Улар орасида Зарафшон водийсидаги (Навоий вилояти) Мурунговда АҚШнинг Нюмонт-Майнинг корпорацияси алоҳида ўрин тутади.

Бундан ташқари мамлакатимиз ҳудудига АҚШнинг 28 та компания, фирма ва банклар фаолият кўрсатмоқда. Ҳар 2001 йилда 3000 млн. АҚШ долларидан ошди. Бу АҚШ Ўзбекистоннинг жаҳон давлатлари билан савдосида 5 ўринда туради деганидир.

1. XIX АСР ОХИРИ ВА XX АСР БОШЛАРИДА АҚШ ИҚТИСОДИЙ ВА СИЁСИЙ ТАРАҚҚИЁТИНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ

Мамлакатда фуқаролар урушидан кейин ягона ички бозорнинг вужудга келганлиги, унумдор ерларнинг, фойдали қазилма бойликларининг кўплиги, ҳамда Америка халқининг тадбиркорлиги мамлакат иқтисодий тараққиётининг ниҳоятда тезлашувига сабаб бўлди.

Америка Қўшма Штатлари икки буюк уруш Фуқаролар уруши ва Биринчи жаҳон уруши оролиғида улғайган. 50 йилдан камроқ вақт мобайнида у қишлоқ хўжалик республикасидан шаҳарлар давлатига айланган.

Чегара бўйи бўйлаб работлари ғойиб бўлди. Улкан фабрикалар ва пўлат қуйиш заводлари, қитъа узра темир йўллари фароқон шаҳарлар ва улкан қишлоқ хўжалик мажмуалари ўлкани яшнатиб юборган. Мазкур иқтисодий ўсиш ва фаровонлик билан биргаликда мутаносиб муаммолар ҳам вужудга келган.

Умумдавлат миқёсида бизнеч корхоналари мустақил ёки ўзгалар билан бириккан равишда бутун бир саноат соҳаларига ҳукмронлик мавқеига кўтарилди. Шаҳарлар шу қадар тез суръатлар билан ривожландики, ўзининг тобора ўсиб борувчи аҳолисини уй жой билан таъминлаш ёки бошқаришга қурби етмас эди.

Бир ёзувчининг таъбири билан айтганда “Фуқаролар уруши мамлакат тарихи узра жароҳат қилди ва 20-30 йил илгари вужуда кела бошлаган ўзгаришларни бир зарб билан саҳнага олиб чиқди”. Уруш эҳтиёжлари ишлаб чиқаришни бевиёс даражада рағбатлантириб темир, бу ва электр қувватидан фойдаланишга асосланган иқтисодий ҳаётни тезлаштириб юборди ҳамда илм-фан ва ихтироларни олға силжитдим. 1860 йилдан илгари 36000 патент қайд этилган бўлса келгуси 30 йил мобайнида

44000 патент берилиб, XX асрнинг биринчи чорагида эса уларнинг сони салкам 1 млнга етди.¹

1844 йилдаёқ Самуил Ф.Б. Марз электр телеграфни такомиллаштирган ва орадан кўп ўтмай мамлакатнинг узок-узок жойлари электр устунлари ва симлари воситаларида бир-бири билан боғланган. 1876 йили А.Грэхем Белл телефон ускунасини намоён этди ва ярим аср мобайнида ўрнатилган 16 миллион телефон жиҳозлари давлатнинг ижтимоий ва иқтисолий ҳётини тезлаштириб юборган.

1867 йили ёзув мошинаси, 1888 йили арифмомет ва 1897 йили касса жиҳозларининг ихтиро этилиши туфайли бизнес соҳасининг равнақи тезлашиб кетган. 1886 йили Линотип (харфларни сатр-сатр қилиб берадиган машина) ва Ротация (кўпайтирувси) машина ҳамда муковаловчи ускуналар ихтироси бир соатда саккиз саҳифалик газетанинг 240000 нусхасини нашр этиш имконини берди.²

Томас Эдисоннинг чўғланма лампаси том маънода миллион-миллион уйларни чароғон этган. Гапирувчи жиҳоз яъни фонограф ҳам Эдисон томонидан такомиллаштирилган бўлиб у Жорж Истман билан биргаликда “ҳаракатланувчи сурат” –кенематографни ҳам яхшилашга кўмаклашган. Илм-фан ва буюк истеъдод самараларининг ҳаётга тадбиқ этилиши деярли ҳар бир соҳада ишлаб чиқариш самарадорлигини янги даражага кўтарди.

Айни пайтда давлатнинг пойдевор саноати юқори тариф ёрдамида ҳимояланган қора металлургия ҳам ривожланиб борар эди. Илгарилари Шарқий Штатларда марказлашган қора металлургия саноати геологлар янги қазилма конларини кашф этган сари ғарб томон сурилиб борди. Юқори кўлнинг тепасидаги улкан месаби темир кони дунё узра энг йирик темир чиқарувчига айланди. Темир ернинг тепасида етиб, уни қазиб олиш осон ваарзон эди. Кимёвий жиҳатидан зарарли моддалардан ўта тозалиги

¹ Зубок Л.И. Очерки истории США (1877-1918 гг.). Москва, 1956, С.17

² Ўша жойда. С.21

туфайли бу кон маҳсулотидан илгариги нархнинг ўндан бир ҳажмини харажатлар билан олий сифатли пўлат олиш мумкин бўлди.

Эндрю Корнеги пўлат ишлаб чиқаришни ўта ривожлантирган одам бўлган. Америкага у 12 ёшида Шотландиядан келган, ўз меҳнат фаолиятини пахта тозалаш фабрикасида ип ўровчиликдан бошлаб, телеграф идорасига сўнгра эса Пенсильвания темир йўлига ходим бўлиб ўтган, 30 ёшга тўлмасданок ўз аулларини даромад келтирувчи ишга киритиб, 1865 йили сармоясини темир ишлаб чиқариш соҳасига ўтказган.

Беш йил мобайнида темир кўприklar, темир йўл излари ва локомативлар чиқарувчи компаниялар ташкил этган ёки уларга сармоя киритиб, акциядор бўлган. Орадан ўн йил ўтгач Пенсильвания Штатининг Моногахила дарёсида барпо этган пўлат қуйиш заводи мамлакатда энг йирик корхона эди. Корнеги янги заводлар устидан раҳбарлик назоратига эришиш билангина чекланмасдан балки кокс ва кўмир қазиб олиш корхоналари, юқори кўлнинг темир конлари Буюк кўллардан пороходлар флоти, Эри кўлидаги порт шаҳри ва уларни бир-бирига боғловчи темир йўл устидан ҳам назорат ўрнатди. Ўнлаб ўзга комнатиялар билан биргалашиб, темир йўллар ва кема юк ташиш тизмаларидан қулай шароитларга эришди. Илгари Америка саноатининг бирон-бир соҳаси шу қадар тез ривожланмаган эди.

Узоқ йиллар ҳукмронлик қилганига қарама йКарненги пўлат ишлаб чиқаришга алоқадор табиий ресурслар накл воситалари ва саноат корхоналари узра тўлиқ якка ҳукмронликка эриша олмаган. 1890 йилларда вужудга келган янги компаниялар унинг ҳукмига қарши чиқққанида аввалига рақобатдан ҳаяжонга тушган Карнеги янада қудратли бизнес мажмуамини барпо этишга уринган. Бироқ қарилик палласига кирганлиги боис ўз мулкини ўзга ташкилот билан бирлаштиришга мажбур бўлди. Мазкур бирлашма давлат миқёсида чўян ва пўлат ишлаб чиқарувчи энг йирик мулкдорга айланиши муқаррар эди.

Мазкур бирикиш натидасида 1901 йили вужудга келган Америка Қўшма Штатларининг пўлт корпорацияси (Ютайтед Стейс Стилл Корпорейшн) 30 йилдан бери давом этиб келаётган жараён яъни мустақил саноат корхоналарининг федератив ёки марказлашган компанияларга бирикишини намоён этди.

Фукаролар уруши даврида бошланган мазкур жараён ишлаб чиқариш нарх-наволарининг ҳаддан зиёд тушиши ва даромадни камайишига келтирди ва бизнесменлар саросимага тушиб қолган 1870 йиллардан сўнг сезиларли даражада жадаллашди. Агарда ҳам ишлаб чиқариш ҳам бозорларни назорат эта олишса рақобатдош фирмаларни яхлит ташкилотга уюштира олишларини тушунишди бизнесменлар. Бу мақсадга эришиш учун корпорация ва трестлар туза бошлашган.

Катта сармоя жамғармалари барпо этиш, бизнеч корхоналарига мунтазам ва узлуксиз назорат ришталарини бериш, юксак даромад олиш ва бизнес қулаганда чекланган маъсулият илинжи сармоя соҳибларини ўзига жалб қилар эди. Ўз навбатида трестлар корпорацияларининг фаол бирикмаси бўлиб акция соҳиблари ўз акцияларини раҳбар ҳомийлар кўлига ишониб топширар эди. Мазкур трестлар кенг қамровли бирикмалар тузиш, назорат ва маъмуриятни марказлаштириш ҳамда ихтиро патентларини хариб қилиш имкониятига молик эди. Уларнинг улкан маблағ ресурслари ўз соҳаларини кенгайтириш хорижий бизнес ташкилотлари билан рақобатлашиш ва тобора уюшқоқ самарали шакл олувчи ишчилар билан савдолашиш имконини берар эди. Шунингдек темир йўл раҳбариятидан имтиёзли шартларга эришиши ва сиёсатга таъсир ўтказиш мумкин эди.

Жон Д.Рокфеллер томонидан таъсис этилган “Стандарт ойл компани” дастлабки энг қудратли корпорациялардан бири бўлиб унинг ортидан пахта ёғи, қўрғошин, шакар, тамаки ва резина соҳасида ўз

бирикмалар ҳам ташкил этила бошлайди. Тез орада агрессив якка бизнесменлар саноат соҳаларини ўзлаштириб ола бошлаганлар.¹

Ўғит маҳсулотларининг тўрта йирик таъминотчилари Филипп Армор ва Густов Свифт бошчилигида гўшт трестини барпо этганлар. Сайрус Маккормик ўрим мошиналари ишлаб чиқаришда хукмронликка эришган. 1904 йили ўтказилган ўрганишлар илгариги 5000 мустақил концернлар 300га яқин саноат трестларига бирлашганини кўрсатди.

Бирлашиш майли ўзга соҳаларда ҳам намоён бўлди. Накл воситалари ва телекоммуникацияларда. Илк улкан коммуникация (телефон-телеграф) бирлашмаларидан бири бўлган “Вестерн Юнион” ортидан “Белла Телефон Систем” ташкил этилиб, сўнгра “Америкэн телефон энд телеграф компани” вужудга келди.

1860 йилларда Корнелиус Вандербиль 13 га яқин айри-айри темир йўлларни қўшиб бир-биридан 800 км узоқликда жойлашган Нью-Йорк сити ва Буффало шаҳарларини яхлит темир йўл билан боғлади. Келгуси ўн йил мобайнида Илинойс Штатининг Чикаго шаҳри ва Мичиган Штатининг Детройд шаҳрига элтувчи темир йўлни харид қилиб “Нью-Йорк Сентрал Рейл Роуз Систем” (Нью-Йорк марказий темир йўл системаси)ни бунёд этди. Ўзга бирикмалар ҳам тузилиб, тез орада давлатнинг асосий темир йўллари бир гуруҳ одамлар томонидан бошқарилувчи ўқйўллар ва тизмаларга шаклланди.

Мазкур янги саноат тизмасининг ўзига хос нерв системаси шаҳар бўлиб давлатнинг барча иқтисодий ҳаракатланган кучларни ўзида марказлаштирди: шу жумладан, сармоянинг улкан жамғармалари, бизнеч ва молия курилмалари, темир йўлларнинг назорат марказлари, фабрика ва заводлар. Одамларни денгиз оша қишлоқ ва ўлкалардан ўзига жалб этган Америка қишлоқлари деярли бир-неча йил ичида шаҳарчаларча, шаҳарчаларга эса шаҳарларга ўсиб борар эди. 1830 йили 15 кишидан атиги

¹ Засловский Д.О. Очерки истории Северо-Американских соединенных штатов. XVIII-XIX вв. Москва, 1931, С.127

биттаси 8000 ва ундан ортиқ кишилик жамоаларда яшаган бўлса, 1860 йили бу кўрсаткич ҳар олти кишидан биттасига ва 1890 йили ҳар 10 кишидан учтасига кўтарилган. 1860 йилга келганда бир миллион аҳоли яшайдиган биронта шаҳар бўлмаган, орадан 30 йил ўтгач Нью-Йоркда 1,5 млн, Илликойс Штатининг Чикаго-Пенсилвания Штатининг Филадельфия шаҳарларида 1 млндан ортиқ ҳоли истиқомат қиларди.

Шу 30 йил мобайнида Филадельфия, Мериленд штатининг Балтимор шаҳарларининг аҳолиси икки баробарга ошган. Миесури Штатининг Канзас Сити ва Мичиган Штатининг Дейтройт шаҳарларида аҳоли 4 баравар ошган. Огайо Штати Кливленд шаҳрининг аҳолиси 4 бараварга ўпайган. Чикагода эса 10 баравар устин. Фукарлар уруши бошланишида мўъжазгина бир қишлоқ бўлган минисота ва Омаха ва уларга ўхшаш кўплаб жамоалар аҳолими 50 баробар ва ундан ҳам кўпроққа ортди.

Тобора кенгайил бораётган давлат учун темир йўллар муҳим аҳамият касб этиб темир йўлда қонунбузарликлар таомилига кирмоқда эди. Темир йўла идоралари нархини қисман пасайтириб катта юк ташувчилардан арзонроқ хизмат ҳақи олган ва кичик юк ташувчилар имтиёзсиз қолган. Шунингдек айрим темир йўллар икки нуқта орасидаги масофа бир хил бўлишига қарамай, айрим юк ташувчиларга ўз бошимча тарзда юқорироқ нарх наво белгиланган.

Ундан ташқари шаҳарлар орасида турли темир йўл фирмалари томонидан хизмат кўрсатилган ҳолда рақобат юк ташиш нархларини жиловлаб турган, аммо ташиш нархлари ўта юқори бўлган. Шу тариқа Чикагодан 1280 километр узоқликдаги Нью-Йоркка юк ташиш Чикагодан бир неча юз километр узоқликдаги жойларга юк ташишдан арзонроққа тушган. Рақобатни бартараф этиш учун “пул сиёсатиға” биноан (қўшма фонд) бирлашган темир йўл компаниялари юк ташиш соҳасини олдинган келишиб олинган режа бўйича тақсимлашган, жами даромадни қўшма умумий фонд (пул) га ташлашган ва кейин ўртада бўлиб олишган.

Халқ норозилиги штат ҳукуматларини темир йўлларда тартию ўрнатишга ундади, бир мунча ижобий ўзгаришлар рўй берган, бироқ муаммо моҳиятан умумдавлат миқёсига кўтарилиб, конгресс аралашувчини талаб этар эди.

1887 йили президент Гровер Кливленд штатлараро тижорат конунини имзолади, унга биноан ҳадда зиёд нарх наволар, пуллар арзонроқ нархда сотиш ва нарх белгилашдаги бебошликлар ман этилди ва конунни бузиш холларининг олдини олиш ниятида штатлараро тижорат комиссияти (ШТК) таъсис этилди. Бироқ бу комиссия вужудга келган биринчи пайтларда ШТКнинг тартиб ўрнатиш ва нарх наволарни пасайтиришга қаратилган уринишларини назарга олмай, темир йўллар Олий Судининг аввалги қарор тартиботларини қўллашди.

Президент Кливленд юқори тарифларни пасайтириш борасида ҳам фаол эди. Аслида тариф ҳимояси урурш пайтининг фавқулддаги чораси сифатида вақтинча киритилган эди. Бироқ ўша давр сиёсий йўналишларини белгилаган Республикачилар партиясидан президентлар хукмронлиги даврида давлатнинг мунтазам сиёсатига айланган Демократик партиёга мансуб Кливленд яшаш қийматининг ошгани ва трестларнинг сиз суръатлар билан вужудга келишига асосий сабаб ҳаддан зиёд ошган тарифлар деб билди. Тарифлар муаммоси узоқ йиллар давомида давлат сиёсати даражасига кўтарилмади.

Бироқ 1880 йили Демократик партиё вакиллари “фақат даромад олиш учун тариф” ўрнатишни талаб қилишда ва тез орада ислохотлар ўтказиш масаласи кўтарилди.¹

1887 йили паортларга қодир масалани четлб ўтиш борасидаги огоҳлантиришларга қарамай конгрессга йўлловчи йиллик баёнотида президент Кливленд Америка саноатини чет эл рақобатидан муҳофазаловчи юқори таърифлар таомилини кескин танқид остига олиб мамлакатни ларзага солди.

¹ Загладин Н.В. Всемирная История. Век XX, Москва, 1999, С.138

1888 йилги президент сайловлари компаниясида тарифлар масаласи асосий муаммога айланди ва республикачилар партиясининг номзоди протекционизм таърифларининг тарафдори Бенжамин Харрисон деярли тнг овозли равобатда ғолиб чиқди. Сайлов олди ваъдаларини бажариш учун президент Харрисон маъмурияти 1890 йили Маккинли таъриф бильлини қабул қилди, бу чоралар оёққа туриб бўлган саноат соҳаларини муҳофазалаш ҳамда “чақалов саноат соҳалари” деб аталган тармоқларнинг ривожланишини тезлаштиришга қаратилган эди. Янги тарифларнинг юқори устамалари чакана савдо нархларининг ошишига келтириб кенг омманинг норозилигини вужудга келтирган.

Мазкур давр мобайнида трестларга нисбатан халқ норозилиги кучайди. 1880 йиллар узра Хенра Жорж ва Эдвард Беллами каби ислохот тарафдорлари томонидан кескин ианқидга учраган давлат миқёсидаги улкан корпорациялар қизғин баҳс этилувчи сиёсий масала айланди. Монополгияларни синдириш учун 1890 йили қабул қилинган Шерман Антитрест қонуни штатлараро тижоратни чекловчи барча бирикмаларни ман этиб, кескин чора тадбирларини тажбиқ этди. Мавҳум жумлаларда баён этилган бу қонун дарҳол мукаммал мақом касб этмади. Бироқ орадан ўн йил ўтгач, президент Теодор Рузвельт уни фаол қўллаш оқибатида “Трестларни синдирувчи” лақабини олган.¹

Испания билан уруш оқибатида Пакама бўйини орқали иккита буюк оманни бирлаштирувчи канал бунёд этиш ғояси Америкада янада қизиқиш уйғотган. Бундай каналнинг денгиз тижорати учун кони фойда эканлиги дунёнинг етакчи тижорий давлатлар томонидан азалдан тан олинбкелинар эди. Франция XIX асрнинг охирида канал қозиш ишларини бошлаб ҳам юборган, бироқ юзага чиққан қийинчиликлар туфайли бу режани ташлаб қўйган. Кариб денгизи ва Тинч океанида ўрнашиб олгач Америка Қўшма Штатлари керак бўлганида ҳарбий

¹ Загладин Н.В. Всемирная История. Век XX, Москва, 1999, С.142

кемаларни бир океандан иккинчисига тезкор ўтказишнинг ҳарбий заруратини ҳис этди.

XX аср бўсағасида ҳозирги Пакама Колумбиянинг Шимолий провинцияси эди. 1903 йили Колумбиянинг қонун чиқариш тармоғи Америка Қўшма Штатларига канал қуриш ва уни бошқариш ҳуқуқларини бериувчи битим лойиҳасини таслиқлашдан бош тортганда АҚШ ҳарбий денгиз пиеда аскарларининг мададини олган ҳайрихоҳ пакамаликларнинг бир гуруҳи қўзғолон қилишган. Пакама Колумбиядан мустақил деб эълон қилишган.

Президент Т.Рузвельт янги ташкил топган давлатни дарҳол тан олиб ўша йилнинг ноябрида имзоланган битим шартларига кўра Пакама ҳукумати Қўшма Штатларга Атлантика ва Тинч океанлари орасидаги 16 км кенгликдаги ер бўлагининг 10 млн доллар бадал ва йилига тўланувчи 250000 долларга муддатсиз ижарага топширган. Кейинчалик Колумбия ҳам қисман бадал ҳисобига 25 млн доллар олди. (75 йил ўтгач икки давлат орасидаги Пакама канали битимига биноан бу канал 2000 йилга келиб Акама қирғоғига тўлиқ ўтказилиши керак эди).

1914 йили канал қурилишининг тугаши муҳандислик санъатининг йирик ютуғи режага полковник Жорж У.Гетхолс раҳбарлик қилди. Ўша пайтда тропик жунглида вакцина ва сариқ безгак устидан ғалаба қозонилиши вакцина ёрдамида касаллик олдини олувчи тиббиёт соҳасининг машҳур ютуғи бўлди.

Америка Қўшма Штатлари Лотин Америкасига вақтли-вақтли тарзда бостириб киришни таомил қилиб олган эди. Мисол учун 1900 ва 1920 йиллар орасида Америка Қўшма Штатлари Ғарбий ярим курранинг олтига давлатига бостириб кириб, Ганти ва Доминикан Республикасида протекторатлар ўрнатди ва Никарагуада АҚШ ҳарбий денгиз пиеда аскарларини жойлаштирди. 1867 йили Америка Қўшма Штатлари Мексикада император Максимиланни қўллаб қувватлаб турган Франция ўз аскарларини олиб чиқишга ундади. Орадан ярим аср ўтгач Мексика

инқилобига таъсир ўтказиш борасидаги омади юришмаган компанияларнинг бир қисми сифатида Қўшма Штатлари қўлга тушмас исиёнчи ва қонундан ташқари деб эълон қилинган Франциско “Панчо” Виллани ушлаши учун беҳуда уриниб мамлакатнинг шимолига 11000 аскар юборишга мажбур бўлди.

Айни пайтга ўзида Америка Қўшма Штатлари Шимолий ва Жанубий Америка давлатлари орасида ҳамкорлик асосларини ўрнатишда муҳим роль ўйнади. 1889 йили АҚШ давлат секретари Ж.Брейн Ғарбий ярим курранинг мустақил 21 давлати низоларини тинч йўл билан ҳал этиш ва янада яқинроқ иқтисодий алоқалар ўрнатишга қаратилган ташкилотга бирлашишни таклиф этди. 1890 йили тўпланган биринчи Бутун Америка конференциясидан зухур топган мунтазам ташкилот аввалига бутун Америка Иттифоқи сифатида маълум бўлиб эндиликда Америка давлатларининг ташкило (АДТ) деб номланади.

Кейинчалик президентлар Губерт Тудор ва Франклин Рузвельт маъмуриятлари АҚШнинг Лотин Америкаси давлатларига бостириб кириш ҳуқуқларини рад этган. Аксинча президент Рузвельтнинг 1930 йиллари ўтказилган яхши қўшничилик сиёсати АҚШ ва Лотин Америкаси орасидани низолар барҳам бермаган бўлмаса, АҚШнинг илгариги хуружлари ва бир тарафлама ҳатти-ҳаракатларидан юзага келган ёмон муносабат асоратларини бартараф этишга кўмаклашди.

2. АҚШ ИҚТИСОДИЁТИНИНГ РИВОЖЛАНИШИНИ АҲОЛИГА ТАЪСИРИ ВА УНИНГ АҲВОЛИ

Сезиларли даражадаги тараққиётга қарамай XIXасрда Америка саноати ишчилари ва фермерлари қайтарилувчан оғир кулфатлар даврларини бошидан кечирар эди. Бунга қатор омиллар ва шулар жумласидан унумли ерларнинг ҳадда зиёд ҳолда тойдирилиши, табиат инжиқликлари ўз-ўзини таъминлаш инқирозлари, мутаносиб ҳуқуқий муҳофаза ва мададнинг етишмаслиги сабаб эди.

Ҳар қатор ердан олиувчи ҳосилни улкан даражада ошириб юборган механик кашфиётлар билан бир қаторда темиў йўллар ўтказиш ва текислик ҳиндларининг аста-секин кўчирилиши натижасида ғарбнинг яги минтақалари яшаш учун кашф этилиши сайин ишлов берилувчи ерлар ҳам тез суръатлар билан кенгайиб борди. Канада, Аргентина ва Асвтралия каби мамлакатларда айнан шунга ўзшаш қишлоқ хўжалик ерларининг кенгайиш жараёни мазкур муаммоларни халқаро бозорга олиб чиқди. У ерда эса АҚШ қишлоқ хўжалигининг кўп маҳсулотлари сотилмоқда эди.

Кучланишларнинг яшаш работлари ғарьга тобора силжигани сайин ўз маҳсулотларини бозорга етказиб бериш учун улар шу қадар кўпроқ темир йўлларга қарам бўлиб қолмада эди. Айни пайтнинг ўзида шарқнинг саноат манфаатларини муҳофазалаб Конгресс узоқ муддат давомида кўллаб-қувватлаган ҳимоя тарифлари оқибатида фермерлар завод фабрикаларда ишлаб чиқарилувчи мол маҳсулотларга юқори нарх тўлар эди. Вақт ўтиши билан Ўрта Ғарб ва Ғарб фермерлари гаров эвазига бнкларга тобора кўпроқ қарздор бўлиб борди.

Жанубда конфедерациянинг қулаши қишлоқ хўжалигида асоскор ўзгаришларни юзага келтирди. Улар орасида энг сезиларлиси Ҳосилга шерикчилик таомили бўлиб унга сезиларли уруғлар ва муҳим таъминот молларининг эвазига ижарачи фермерлар зхлари етиштирган ҳосилнинг ярчимисигача бўлган миқдорини ер эгаси билан шерикчилик қилган.

Аксарият ҳосил шерикчилари қарзларга ботган бўлиб, улардан қутулиш умидида унумдорликни оширган. Бу эса пахта ва тамакидан хаддан зиёд кўп ҳосил олишга келтириб шу тариқа нарх-наволарнинг пасайиши ва ерларнинг янада заифлашувига сабабчи бўлган,

Умумий қишлоқ хўжалик муаммоларини юзага кўтариш учун илк ташкил этилган ҳаракатлар сифатида уюшган фермерлар ҳаракати намоён бўлди. 1867 йили АҚШ қишлоқ хўжалик вазирлигининг ходимлари томонидан ҳаракатга келтирилган фермерлар Уюшмаси аксарият фермер оилалари тўқнаш келган изоляционизм (яккалатиб қўйишга) қарши ижтимоий равишда диққат марказига олди. Аёллар иштироки фаол равишда рағбатлантирилган. 1873 йилнинг Саросимаси туфайли фермерлар уюшмасининг бўлимлари тезда 20000 га етиб аъзолари сони бир ярим миллионгача ўсди.

Пировардида, уларнинг аксарияти йўқ бўлиб кетишига қарамай фермерлар Уюшмаси ўз бозор тизмалари дўконлари, ишлаб чиқариш фабрикалари, заводлари ва кооперативларини барпо этди. Шунингдек 1870 йиллар мобайнида бу ҳаракат муайян сиёсий муваффақиятга ҳам эришди. Бир нечта штат темир йўл ва омбор нархларини чекловчи “Уюшган Фермер қонунлари”ни қабул қилди. 1880 йилга келиб бу ҳаракат инқирозга учраб фермерлар иттифоқига ўрин бўшатди. 1890 йилга келиб бу Иттифоқ қарорларида Нью-Йоркдан то Калифорниягача 1,5 млнга яқин киши бирлашди. Африкалик америкаликларнинг муқобил ташкилоти рангли фермерларнинг Миллий Иттифоқи эса ўз сафларида бир ярим миллиондан ортиқ аъзоларини жипслаштирган.¹

Бошиданоқ фермерлар иттифоқлари сиёсий ташкилотлар бўлиб мукамал иқтисодий дастурларга молик эди. Илк платформаларидан бирга биноан уларнинг мақсади “Америка фермеларини қонун чиқарувчилар табақаси ва марказлашган сармоянинг бостириб киришидан ҳимоялаш учун бирлаштириш бўлган. Уларнинг дастури тўлиқ

¹ Зубок Л.И. Очерки Истории США (1877-1918 гг.) Москва, 1956, С.44

национализациялаштиришча бўлмаса ҳам, темир йўллар фаолиятини тартибга келтириш қарзлар юкини енгиллаштириш учун пулинфляциясини тўхтатиш, тарифларни пасайтириш давлат омборлари ва паст устама фоизини ижара воситаларини барпо этишга ҳам давлат этган эди.

1880 йилларнинг ни ҳоясида содир бўлган қурғоқчиликлар силсиласи ғарбий Буюк текисликларнинг силсиласи қуритган. Ғарбий Канзал тўрт йил давомида ўз аҳолисини ярмини қурбон берган. 1890 йили Маккинли ўрнатган таъриф илгари мамлакат кўрган барча таърифлардан юқори бўлиши эса аҳволни янада мушкуллаштирган.

1890 йилга келиб қишлоқ хўжалик соҳаисдаги қийинчиликлар аввалига нисбатан юқори келди. Жанубда ҳайрихоҳ демократлар ёки ғарбда кичик учинчи партиялар билан ҳамкорликда фермерлар Иттифоқи сиёсий ҳокимиятга босим ўтказган. Мазкур омиллардан учинчи сиёсий партия Популистлар партияси вужудга келган. Илгарилари Американинг сиёсий сахнасида прериялар ва пахта етиштирувчи ерларни қамраб олган популистлар ҳаракатига ўхшаши сира бўлмаган. 1890 йили сайловлари мазкур янги партияни ўнлаб жанубий ва ғарбий штатларда ҳокимият тепасига келтирди ва конгрессга кўплаб Популист сенаторлари ва вакиллари киритди.

Популистларнинг 1892 йилги биринчи конвентига фермерлар, ишчилар ва ислоҳ ўтказиш ташкилотларининг вакиллари Небриска Штатининг Омаха шаҳрида йиғилганлар. Пул ишлашга манфаатдорлар томонидан саноати ҳамда тижорат трестлари порахўрлик билан емирилган АҚШ сиёсий тузумни тамғалашга келишдилар. Уларнинг платформаси шуни таъкидлаганки: “Биз ахлоқий, сиёсий ва моддий ҳаробалар ёқасида келтирилган ўлканинг ўртасида учрашиб турибмиз. Порахўрлик сайлов кабиналари, қонун чиқариш тармоқлари ва конгресс узра ҳукм сурмоқда ва ҳатто (суд маҳкамаларининг) ўриндиқларидаги суд аъзоларига ҳам етиб келган. Ҳукуматнинг аайнан шу адолатсиз ва бўрдоқи қаъридан биз иккита буюк синф-дайдилар ва миллионерларни кўрмоқдамиз”.

Улар ишлаб чиққан платформанинг амалий жиҳатлар ер нақл воситалари ва кумуш тангаларни чексиз зарб этишни ўз ичига камраб олган молия масалаларида марказлашди.

1892 йили сайловларда Популистлар Ғарбда ва Жанубда сезиларли равишда кучайиб, уларнинг президентликка номзоди бир млндан ортик овоз тўплаган. Тез орада пул муомаласи, масаласи кўтаарилиб олган тангалар киритилишига ҳайрихоҷларча қарши турга кумуш танга тарафдорларининг можароси барча ўзга муаммоларни орқага суриб қўйди. Ғарб ва Жанубдаги қишлоқ хўжалик манфаатларини ифодаловчи нотиклар Шарқнинг саноат марказларидаги ишчилар гуруҳлари мададида кумуш тангаларни чекланмаган зарб этишга қайтишни талаб этишди. Ўз қийинчиликлари муомиладаги пул танқислигидан юзага келганига ишонган мазкур шахслар шундай далил келтиришган: муомиладаги пул ҳажмининг кўпайтирилиш бевосита равишда ферма маҳсулотларига нархларни ошириб, саноатдаги иш ҳақини кўтарди ва шу тариқа қарзларни тўлашга имкон беради. Ўзга жиҳатдан консерватив гуруҳлар ва молиявий синфлар бундай сиёсат вайронгарчилик келтиришига ишониб, бир бошлангач инфляцияни тўхтатиб бўлмаслигини таъкидлашган. Уларнинг фикрича фақат олтин мезони сотиблик ва барқарорликни таъминлар эди.¹

1893 йилнинг мояливий саросимаси мазкур мунозаралари янада кескинлаштирди. Шарқ ва Ўрта Ғарбда банк синишлари кўпайди, ишсизлик ортиб ҳосил нархлари беўхшов даражада кўпайиб кетди. Бу инқироз ва президент Гровар Кливленк уни жиловлай олмаслигига ишонч Демократик партияни қулаш ёқасига келтирди. Кумуш пул муомаласи тарафдорлари бўлган Демократлар, 1896 йил президент сайловлари яқинлашгани сайин Популистлар томон оға бошлаганлар.

Ўша йили ўтказилган Демократик конвент иштирокчилари АҚШ сиёсий тарихида энг машҳур нутқларнинг шаҳри бўлди. “Инсониятни

¹ Засловский Д.О. Очерки истории Северно-Американских соединенных штатов. XVIII-XIX вв. Москва, 1931, С.121

олтин солибга чор михламаслик”ни конвент аъзоларидан илтимос қилган кумуш пул тарафдорларидан бири. Небраскали ёш Уильям Женнингс Брайн Демократик партиядан президентликка номзодлик мусобасига ғолиб чиқди.

Популистлар ҳам Брайнни маъқуллашган. Уларнинг юксак ютуқларини исботлаш учун кулой фурсат келган эди. Жануб ва Калифорния билан Орегонни ҳисобламаганди, бутун ғарбни ўз таъсири билан камраб олганига карамай Брайн кўпроқ аҳоли яшовчи ва саноатлаштиришган Шимол билан Шарқ мададига эриша олмади ва сайлов олди компаниясида Республикачилар номзоди Уильям Маккинлига бой берди.

Келгуси йили мамлакатнинг молиявий ишлари яхшиланад бошлаган Аляска ва Юконда олин топилиши бунгу ўз улушини қўшган 1898 йил бошланган Испан-Америка уруши халқ диққатини популистлар кўтараётган масалалардан янада узоқлаштирди. Улар бошланган ҳаракат йўққа чиққан бўлсада, улар кўтарган ғоялар ғойиб бўлмади. Келгуси йигирма йил мобайнида уларнинг қўли қонун қизғин олишга муваффақ бўлган.

XIX асрда Америкада саноат ишчисини аҳволи ҳам анча мушкул бўлган. Ҳатто яхши пайтларда ҳам иш ҳақи паст бўлиб, меҳнат шароитлари анчагина ҳатарли бўлган. Давлатнинг ривожланиши натижасида юзага келган бойликнинг арзимас қисмигина ишчиларга қайтган. Саноатнинг айрим соҳаларида иш кучининг катта улушини ташкил этган аёллар ва болаларнинг аҳволи эса янада оғир бўлиб кўпинча эркаклар оладиган иш ҳақининг бир қисминигина олишган.

Қайтарилувчан иқтисодий инқирозлар давлатни чулғаб олиб, саноат соҳасидаги иш ҳақининг янада пасайиши ва ишсизлик даражасининг ошишини келтириб чиқарар эди.

Айни пайтнинг ўзида давлат ишлаб чиқариш самарадорлигига катта ҳиса қўшган технологик такомиллашув маҳоратли ишчиларга бўлган

талабни табора пасайтириб борар эди. 1880 ва 1910 йиллар мобайнида мамлакатга илгари мисли кўрилмаган даражада кўп яъни 18 млн мухожир иш қидириб келиши туфайли маҳоратсиз ишчилар сони таборо орта борди.

Масагусетс Штати давлат узра илк меҳнат соҳасидаги қонун чиқариб аёллар ва болалаларнинг фабрика ва заводлардаги иш куни 10 соат билан чегараланди. 1874 йилдан олдин ўлкада меҳнат қонунчилиги деярли мавжуд бўлмаган. Дарҳақиқат 1930 йиллардан олдин федерал ҳукумат ва соҳага фаол равишда аралашмаган ва у штат ва маҳаллий ҳокимиятлар қармоғига ташлаб қўйилган бўлиб айримларигина бой саноатчиларга керак бўлган жаражада ишчиларга муносабат билдиргана.

XIX асрнинг иккинчи ярмида ҳукмрон бўлган капитализм шакли ҳеч нарсага аралашмаслик билан белгиланиб, бойлик ва ҳокимиятнинг йирик марказлашувини тезлаштирган. Тузумга қарши чиққанларга эса ўшўа пайтнинг суд адлия тизими қалқон бўлган. Яъни замон зайлига қаратиб ҳатти-ҳаракат қилишган. Айтишларича Жонн Д.Рокфеллер шундай деган экан: “Катта бизнеснинг ривожини энг мослашувчанликнинг осон қолишидир холос. Ижтисоий Дарвинизм” сифатида маълум бўлган мазкур қарашнинг тарафдорлари кўп бўлиб, уларнинг таъкидлашларича бизнес соҳасини тартиблаштиришга қаратилган ҳар қандай уринишлар муайян турларнинг табиий эволюциясига ҳалақит бериш билан баробар эди.

Капитал қурбонларига бундай бефарқ муносабат қимматга тушди. Миллион-миллион одамларнинг яшаши ва ишлаш шароитлари оҳир бўлиб, умрбод қашшоқликдан қутулиш умиди кам бўлган.

1900 йилгача Қўшма Штатларда ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодисалардан ўлиш даражаси дунёнинг барча ўзга саноатлашган давлатлардан юқори бўлган. Саноат соҳасидаги аксарият ишчилар кунига ҳамон 10 соат (пўлат қуйиш саноатида эса 12 соат) ишлаб, муносиб ҳаёт кечириш учун белгиланган миқдордан 20-40% кам маош олар эди. 1870 йил ва 1900 йиллар мобайнида ишлайдиган болаларнинг сони икки баробардан ошиб уларнинг аҳволи янада қийин эди.

Давлат миқёсидаги ишчилар гуруҳларини ташкил этиш бўйича илк асосий саъй-ҳаракатлар 1868 йили таъсис этилган Меҳнат Фидойилари (рицарлари)нинг олижаноб ташкилоти орқали юзага чиқди. Филадельфия кийим тикиш корхонасининг ишчилари томонидан ташкил этилган мазкур аслида махфий ва маросимларга асосланган ташкилот барча ишчилар ва шу жумладан қора танлилар, аёллар ва фермерларнинг иштирокига очик эди. 1885 йилги иш ташлашда темир йўлларнинг буюк юарони Жэй Гулдни чекинишга мажбур этишлардан олдин Фидойилар ташкилоти сустривожланиб борди. Бу ғалабадан сўнг эса бир йил ичида ўз сарфларига 500 000 ишчиларни жалб этган.¹

Бироқ орадан кўп ўтмай Меҳнат Фидойилари инқирозга учради ва ишчилар ҳаракатидаги ўрнини аста-секин Америка Меҳнат Федерацияси (АМФ)га бўшатиб берди.

Аъзо бўлиши учун барчага очик АМФ сигара ишлаб чиқариш уюшмасининг собиқ ходими Сэмиул Гамперс бошчилигида маҳоратли ишчиларни диққат марказига олди. Унинг мақсадлари “соф ва содда” ҳамда сиёсатдан узоқ бўлган: яъни иш ҳақини ошириш, иш соатларини қисқартириш ва шаритларини яхшилаш. Шу тариқа Гамперс ишчилар ҳаракатини илк раҳбарларининг социалистик ғоялардан ҳоли этишга эришди.

Ишчиларни мақсадлари ва капиталнинг уларни рўёбга чиқаришдаги қаршилиги, давлат тарихи узра энг мудҳиш ишчилар низоларини келтирди. Улардан биринчиси 1887 йилги буюк темир йўл иш ташлашида намоён бўлди. Маошларнинг 10% қисқаришига жавобан темир йўл ишчилари бутун давлат узра иш ташлаш уюштирди. Иш ташлашни тўхтатишга уринишлар эса исёнларга ва Мэриланд Штатининг Балтимор шаҳри, Илинойс Штатининг Чикаго шаҳри, Пенсильвания Штатининг Питербург шаҳри, Нью-Йорк Штатининг Буферало шаҳри в Калифорния Штатининг Сан-Франциско шаҳрида кенг кўламли вайронгарчиликлар келтирди. Иш

¹ Всемирная История с древнейших времен до наших дней. Москва, 1997, С.264

ташлашни тугатиш учун қатор турар жойларда федерал қўшин юбориш зарур бўлди.

1892 йил Пенсильвания Штатининг Хоунстедида дойлашган Корнегиннинг пўлат қуйиш корхоналарида ўзга исёнлар кўтарилди. Темир пўлат ва қалай заводда ишчиларнинг Бирлашган Уюшмаси томонидан ташкил этилган йирик иш ташлашни тугатиш ниятида компания йллаган Пинкертоннинг 300 изкувари ўт очдига 10 кишини ўлдирди. Натижада Миллий Гвардия чақиртирилиб уюшмага кирмаган ишчилар ёлланди, бунга барҳам берилди. Уюшчилар 1937 йилгача заводга қайтиб кела олмаган.

Орадан икки йил ўтгач Чикаго ёнидаги Гульман Палас Вагон компаниясида иш ҳақининг пасайиши Америка Темир йўллар Уюшмаси ёрдамида ташкил этилган иш ташлашга келтириб, тез орада мамлакатнинг кўпчилик темир йўлларини қамраб олди. Вазият кескинлашгач илгари ўзи ҳам темир йўл соҳасида адвокат бўлган АҚШ Адлия вазири Ричард Олни темир йўлларни очиш ниятида 3000дан ортиқ ишчиларни алмаштирди. Шундан сўнг темир йўл қатновига касаба уюшмаларининг аралашувини ман этувчи федал суд қарори чиқди. Исён тўхтамагач президент Кливленд федерал қўшин юборди ва иш ташлаш тугатилди.

Иш ташлашга мойил касаба уюшмаларининг энг жанговари Дунёнинг Ҳалқаро Ишчилаи (ДХИ) ташкилоти бўлган. Фарбда тоғ-кон қазилмалари саноатининг меҳнат шароитларини яхшилаш учун курашаётган касаба уюшмалари бирлашмасидан таркиб топган ДХИ ёки ўзгача айтганда “силкинувчилар” 1903 йилдаги Колорадо кони тўқнашувларидан кейин ном чиқариб жиддий тус олишди. Очидан очик синфий курашга даъват этувчи “силкинувчилар” 1912 йили Масачусетс Штатининг Лоуренсдаги тўқимачилик фабрикаларида содиқ бўлган оғир иш ташлашдан ёлиб чиққач сафларини янада кенгайтирган.

Бироқ I жаҳон урушининг ўртасида иш тўхтатишга даъворлари оқибатида ҳукумат 1917 йили уларни тарқатиб юборган.

Ҳатто мамлакатда давлат хизматини ислоҳ қилиш тарафдорлари ҳаракати пайдо бўлди. Прогрессив матбуотда мавжуд гражданлик хизматини ислоҳ қилиш учун бошланган ҳаракат таъсири остида 1883 йилда Пендальтон қонуни қабул қилинди. Бу қонунга мувофиқ уч аъзодан иборат тузилган комиссия конкурс имтиҳонларидан ўтган амалдорларни ишга қабул қилиш қоидаларини ишлаб чиқариши лозим эди. Бирон партиёга мансублигига қараб амалдорлани тайинлаш ва ишдан бўшатиш таъқиқланди.

Лекин қонун қабул қилиши илгариги фуқаролик хизмати системасининг йўқ қилиниши дегар гап эмас эди. Бу қоидалар фақат 14 минг вазифага тааллуқли бўлиб булар бутун давлат вазифаларининг алкам 12% ташкил этарди ҳолос. Президент ва сиёсий босслар ўз тарафдорларини муқофотлаш амалиётини давом эттира борганлар.

Демократик партиё вакиллари давлат аппаратининг ҳамма соҳаларига кириб борган бузилиш ҳолатларини фош қилди. Таърифлар қонунини кўриб чиқишни ва фуқаролар хизматида “ҳалоллик билан” ислоҳот ўтказишни талаб қилди.

Конгресс темир йўл компанияларининг суистеъмол қилишидан пайдо бўлган норозилик билан ҳисоблашишга мажбур бўлиб, 1887 йили февралда штатлар ўртасида савдо тўғрисида қонун қабул қилди, ўз қонунда турли шахслар товарлар ва жойлар учун ҳар хил темир йўл таърифлари белгилаш ва узоқ масофага қараганда яқин масофа учун кўпроқ таъриф билан ҳақ олишлари таъкидланган эди. Темир йўл компанияларидан матбаада босилган таърифларни халойиқ маълумоти учун осиб қўйиш талаб қилинган эди. Бу қонунни амалга оширишни назорат қилиш беш кишилик комиссиясига топширилган эди.

АҚШ иқтисодиётининг ривожланиши ва дунёда биринчи давлатга айланиши жамият ҳаётидаги барча ижтимоий муаммоларни ўз ўзидан бартараф этишга олиб келгани йўқ.

1886 йил 8 май куни умумий иш ташлашларда 350 кишидан ортик ишчи иштироқ этган. Бунинг натижасида 200 мингга яқин ишчи 8000 иш куни этилишига эришди. Бироқ кейинги икки йилда бу муваффақият деярли йўққа чиқди.

8 соатлик иш куни учун бошланган ҳаракат Чикагода жуда ҳам кескин тус олди. Шаҳарнинг Сенто майдонида бўлган оммавий митинг вақтида полиция уларга қараб қаршилик қилдилар, ҳатто қуролли гуруҳлар ташланган. Суднинг қарорига мувофиқ оммавий ҳаракат қатнашчиларидан 4 киши дорга осилган.

XIX аср охирига келиб ижтимоий ҳаракатга раҳбарлик 1881 йилда тузилган “Қўшма штатлар ва Канада уюшган тред юнионлар ва ишчи иттифоқи федерациясига ўтди. 1886 йилда эса улар Америка Меҳнат Федерацияси деган ном олди. Ташкилот ишчилар манфаати йўлидан курашда конгресс аъзолари ҳамда корхона эгаларига таъсир ўтказишга алоҳида эътибор берилди. Ҳукумат 1894 йилда сентябрнинг биринчи душанбасини “Меҳнат куни” деб эълон қилишга мажбур бўлди. Бу байрам ҳозиргача нишонланади.

1913 йил сентябрда 12000 корхонада кон ишчилари чидаб бўлмайдиган оғир меҳнат шароитида қарши иш ташладилар. Улар 8 соатлик иш куни жорий этилишини ва иш вақтини 10% оширилишини талаб қилдилар. Ҳукумат барчага қарши куч ишлатди. Бутан Колорадо штатида ҳарбий ҳолат эълон қилинди. Ишчи лагерлари ўққа тутилди, раҳбарлари отиб ташланди, ишчлар мажбуран конларга қайтарилган.

Фуқаролар урушидан сўнг қора танли қуллар озодликка эришдилар, аммо улар тенгликка эриша олмаганлар. Мамлакатда “сеграция” тартиби жорий қилинган. Яъни қора танлилар оқ танлилар ўқийдиган мактабга, оқ танлилар қатнайидиган черковга бора олмас эди.¹ Шу тариқа мамлакатда ирқчилик авж олди.

¹ Засловский Д.О. Очерки истории Северно-Американских соединенных штатов. XVIII-XIX вв. Москва, 131, С.201

Айниқса Жанубда яшайдиган қора танлиларнинг аҳволи оғир эди. Улар Шимолга кочиб ўтардилар. Бироқ бу ерга ҳам улар алоҳида мавзеларда яшашга мажбур эдилар. Қарздор қора танли қамоққа олиши ва қарздан қутилиши учун истаган кунига шартнома асосидаши ишчи қилиб берилиши мумкин этилган эдилар. Уларнинг илғор зиёли гуруҳлари қора танлиларнинг тенг ҳуқуқли фуқаро бўлишлари йўлидаги курашга раҳбарлик қилдилар. Улар курашнинг тинч йўлини танлаганлар.

АҚШнинг туб ерли аҳолиси –ҳиндулар қаттиқ азоб уқубатларга дучор этилди. Ҳиндулар ўз ҳақ-ҳуқуқлари учун кучлари етгунча курашдилар. Бироқ кучлар ниҳоятда нотенг бўлган бу курашда енгилдилар.

1880 йилги охири жанг ва енгилган ҳиндулар алоҳида резервацияларга суриб чиқарилди. Бу резервациялар энг унумсиз ташландиқ ерлар эди. Бу ерда улар ҳукумат “васийлиги”га олиндилар. Ҳиндулар масаласи шундай йўл билан ҳал этилди.

АҚШ конгресси ҳиндуларга фермерлик фаолияти билан шуғулланишга имкон берувчи қонун қабул қилди. Бироқ қонун амалга ошмай қолаверди. Бунга биринчидан ҳиндуларга ажратилган ер майдонининг унумсизлиги, иккинчидан эса фермерлар фаолияти билан шуғулланиш ҳиндулар жамоавий турмуши зид келиши сабаб бўлди.

3. АҚШ ИҚТИСОДИЁТИДАГИ ТАРИХИДАН ИСЛОҲОТЛАР ДАВРИ

1990 йилнинг президент сайловлари Америка халқига Маккинли маъмуриятининг фаолияти хорижий сиёсат устидан ҳукм чиқариш имкониятини берди. Фоладельфияда йиғилган республикачилар Испания билан урушнинг муваффақиятли тугаши, фаровонлик қайта тикланиш ва очик эшилар сиёсати туфайли янги бозорларга чиқиш саъйи ҳаракатларини олқишлаб, маъқуллашди. Маккинлининг сайланиши олдиндан муқаррар бўлди. Бироқ ўз ғалабасидан баҳраманд бўлиш президентга насиб этмади. 1901 йилнинг сентябрида Нью-Йорк штатининг Буффало шаҳридаги кўргазмага ташриф буюрган. Президент Маккинли ёлланма қотил ўқидан қурбон бўлди. (Маккинли Фуқаролар урушидан сўнг суиқасд этиб ўлдирилган 3 президент бўлди).

Натижада Маккинлининг вице президенти Т.Рузвельт президент вазифасини ўз зиммасига олди. Унинг мансабга эришган Америка сиёсий ҳаётининг ҳам ички ҳам ташқи ишларидаги янги даврига мос келади. Континент ўзлаштирилиб чегара кучкинчилари деган тушунча йўқолиб бормоқда эди. Кичик ва курашган республика дунё миқёсида нуфузли давлатга айланди. Мамлакатнинг сиёсий асослари Хорижий ва Фуқаро урушининг паст-бланларига, фаровонлик ва инқироз даврларига бардош билан туриб берди. Қишлоқ хўжалиги ва саноатда улкан муваффақиятларга эришди. Бепул давлат таълими кенг миқёсда жорий этилиб эркин матбуот шаклланди. Диний эътиқод эркинлиги тадбиқ этилди.

XIX аср охирида АҚШ иқтисодиёти ва сиёсий тарихида “прогрессивизм” (тарққийпарварлик) деб аталган ислоҳот ҳаракати вужудга келиб 1890 йиллардан то Америка 1917 йили I жаҳон урушига аралашгунга қадар Америка сиёсати ва тафаккурига ўзига хос кўриниш ато этди. Тарққийпарварлар шаҳарнинг сиёсий раҳбарлари, турли хил

ҳолатдаги баронларга қарши демократик ҳужум компанияларини авж олдиришди. Уларнинг мақсадлари жамиятни янада демократлаштириш ва ижтимоий адолат, шарафли ҳокимият, бизнес соҳасида янада фаол тартиб ўрнатиш ва давлат хизматига ишончлик қайта тиклаш бўлган.

Умуман олганда ҳукумат фаолияти доирасининг кенгайиши АҚШ жамиятининг тараққиёти ва фуқароларнинг фаровонлигини таъминлашига ишонишган. Ўша даврнинг деярли барча олижаноб арбоблари, хикматдор сиёсатда бўлсин, хоҳ фалсафа, илм-фан ёки адабиётда ҳеч бўлмаса ақлли даражада ислоҳот ҳаракати билан боғлиқ бўлганлар.

1902-1908 йиллар ислоҳот ўтказиш фаолиятининг авжига чиқиш даври бўлиб ёзувчилар ва журналистлар XVIII аср қишлоқ хўжалик республикасида мерос қолган тажриба ва тамойилларнинг XX аср шаҳарлар давлатига номуносиб эканлигини шиддат билан қоралаган. Ундан илгарироқ 1873 йили машҳур ёзувчи Марк Твен ўзининг “Зарҳал югуртирилган аср” китобида Америка жамиятининг иллатларини фош этган.

Трестлар олий молия соҳалари, сифатсиз мол маҳсулотлар ва нобоп темир йўл фаолитига тааллуқли кескин мақолалар кундалик газеталар “Маккьюрс” ва “Кольерс” каби оммабоп журналларида чоп этила бошлади. Мазкур мақола муаллифлари ва шулар қатори “Стандарт Ойл Трести” га қарши курашган журналист Ида Мэй Тарбеллни “гўнг титувчилар (маъмуриятнинг номақбул ишларини фош этивчилар) деб аташган.

Шов-шув кўтарган “жнгли” романида Элтон Синклер Чикаго шахрининг улкан қассобхоналаридаги санитарияга зид шароитлар ва давлатни гўшт маҳсулотлари билан таъминлаш соҳасини гўшт трести ўзиники қилиб олгани ҳиқоя қилинган.

Т.Драйзер “Фанонсист” ва “Титан” романларида катта бизнес соҳасининг кирдикорларини оддий одамга тушунарли тарзда очиқ ташлади. Ф.Норриснинг “Гирдоб”и Чикаго шахрининг дон бозорига

махфий олди бердилар нақадар таъсир этишини фош қилиб қишлоқ хўжалик соҳасида ишлайдиганларнинг қаршилигини рағбатлантирди.

Мурасага бормайдиган ёзувчиларнинг кескин танқиди ва халқнинг норозилиги сиёсий раҳбарларни амалий чора –тадбирлар қўллашга ундар эди. Кўш штатлар аҳолининг қонунлар ва ишлаш шароитларини яхшилашга қаратилган қонунлар қабул қилди. Жейн Адамс каби машҳур ижтимоий танқидчилар таъсири болалар меҳнатига тегишли чекловчи миқёс кўтарилди, иш соатлари қисқартирилди, кечаки ишлаш вақти чегараланди ва мактабга қатнаш мажбурий этилди.

XX аср бошида аксарият катта шаҳарлар ва штатларнинг ярмидан кўпида давлат ишида машғул ходимлар учун саккиз соатлик иш куни киритилган. Иш жойида ишчиларнинг жароҳатланишига ишчи ёлловчиларни қонунан масъул қилувчи қонун асосида ишчиларга бадал тўлашнинг аҳамияти катта бўлди. Шунингдек даромадга тааллуқли янги қонунлар киритилиб меросга ва фойдалага солиқлар солиш корпорацияларнинг мулки ёки даромадларига солиқ солиш орқали ҳукумат юкини енгилаштириш йзллари ўзлашди.

1900-1914 йиллар АҚШ тарихига “Тараққийпарвар давр” номи билан кирган.¹ Бунда президентларнинг монополияларга қарши кураш олиб борганликлари сабаб бўлган. Монополияларга қарши курашдан мақсад ўрта мабақалар манфаатини ҳимоя қилиш эди. Монополияга қарши кураш тарафдорлари тараққийпарварлар деб аталган. Уларнинг сафида 1901 йилда АҚШ президенти лавозими эгаллаган Т.Рузвельт ҳам бор эди. У Америка-Испания урушида шахсан қатнашиб шуҳрат возонган эди. Т.Рузвельтнинг монополияларга қарши кураш сиёсати “Адолатли йўл” деб номланган.

Кўпчиликка ва шу қатори президент Т.Рузвельт ва конгрессда Висконсин штатидан сенатор Р.Лафоллет каби Прогрессив раҳбарларга

¹ Америка тарихи асослари. Тошкент, 2005. Б.104

бир нарча аён эди. Ислохотчилар диққат марказига олган аксарият муаммолар фақат умумдавлат миқёсида ҳал этилиши мумкин.

Ислохотлар ўтказиш ва халққа “Адолатли ёндашув” деб аталган йўналиш бериш тарафдори Рузвельт, трестларга қарши қаратилган қонунларни тадбиқ этиш учун ҳукуматга кучли назорат ҳуқуқи бериш сиёсатини ўтказа бошлади. Темир йўллар устидан ҳукумат назоратининг кучайиши асосий тартибод биноларнинг қабул қилинишини тезлаштирди. Уларда бири эълон қилинган нархларни қонуний мезонга айлантди нархларни келишиб олиб пасайтиришда темир йўл идоралари билан бирга бк ташувчилар ҳам бароварига масъул этилди.

Т.Рузвельтнинг ўткир қобилияти ва “трестлар синдириш” фаолияти оддий одамларнинг ҳаётини чўлғаб олди ва унинг прогрессив чоратадбирлари барча партиялар томонидан маъқулланди. Қўшимча равишда ўша пайтда мамлакатнинг тўкин сочин фаровонлиги ҳукумат тепасидаги партияга нисбатан халқ норозилиги шаклланди. Т.Рузвельтнинг 1904 йил сайловларида ғолиб чиқиши муқаррар эди.

Кенг қамровли сайлов ғалабаларидан руҳланган Рузвельт ислохот ўтказишга янада қатъий бел боғлади, қайта сайланишидан сўнг конгрессга йўлловчи биринчи йиллик баёнотида темир йўлдан фойдаланишни янада қаттиқроқ тартиблаштиришга даъват этди ва 1906 йилнинг июн ойида конгресс Хэпберн қонунини қабул қилди. Унга биноан штатлараро тижорат комиссиясиге нарх-наволарни тартиблаштириш борасида ҳақиқий ваколат берилиб юрисдикцияси кенгайтирилди ва мтемир йўллар пороход компаниялари ҳамда кўмир қазиб олувчи компаниялар билан тил бириктиришдан воз кечишша мажбур этди.

Конгресснинг яна қатор чоралари федерал ҳукуматнинг назорат тамойилини янада ривожлантирди. 1906 йилнинг соф озиқ овқат маҳсулотлари қонуни дори-дармон ва овқат тайёлашда ҳар қандай “зарарли моддалар кимёвий бирикмалар ёки консервантлар” ишлатишни ман этди. Штатлараро тижорат соҳасида гўшт маҳсулотларини федерал

назоратдан ўтказиш талаби бу соҳадаги компаниялар фаолиятини тартибга солди.

Шу жараёнда конгресс президент кабинетига янги бўлим тижорат ва меҳнат Вазирлигини таъсис этди. Йирик бизнес ташкилотларининг ишларини текшириш ваколатига молик янги вазирликнинг бир шўъбаси 1907 йили Америка шаҳар тозалаш компанияси импорт маҳсулотлариига солинувчи божнинг катта маблағини ҳукуматдан яширинча ўзлаштириб олганини кашф этди.

Кўрилган тегишли қонуний чора-тадбирлар бу маблағ 4 млн. доллардан ортиқлигини кўрсатди ва компания ходимларидан бир нечтаси ҳибсга олинди. “Индиана Стандарт Ойл Компанияси”ни Чикаго Олтон темир йўл компаниясидан юк ташиш учун маҳфий имтиёз олишда айбланди.

Шунга ўхшаш кашф этилган келишувчилар сони 1462 та бўлиб солинган жарима 29240000 долларни ташкил этгани ўшга даврнинг руҳини ифодалар эди.¹

Давлатнинг табиий ресурсларини муҳофазалаш ҳомашё қазиб олишнинг талон-тарож усулларига чек қўйиш ва ташландиқ ерларнинг катта қитъалатини қайта ишлаш Рузвельт даврининг асосий ютуқлари қаторидан ўрин эгаллади.

1901 йилдаёқ конгрессга йўлловчи биринчи ёиллик баённомасида президент табиатни муҳофазалаш ерларини қайта ўзлаштириш ва ирригация соҳасига оид узоқни кўзловчи кенг қамровли дастур қабул қилишга даъват этди. Олдинги президентлар 18800000 гектар ўрмон ерларини муҳофаза остига олган бўлса, Рузвельт бу минтақани 59200000 гектарга кенгайтириб, ўрмонларда ёнғинни олдини олиш вақирқилган ўрмонларни дарахт экин билар қайта тиклаш борасидаги мунтазам чора-тадбирларни бошлаб берди.

¹ Лафасов М. Жаҳон тарихи. Тошкент, 2009, Б.175

Унинг ҳукумати айти пайтда ишчилар билан иш берувчилар ўртасидаги можароларда ҳакамлик вазифасини ҳам бажарган. Ҳукумат трестларга қарши 20 дан ортиқ суд жараёнини ташкил этди. Булар маълум натижалар ҳам берди. Хусусан суд қарори билан Морган назорат қиладиган темир йўл компанияси иккига бўлинди. 1906 йилдан темир йўллар фаолиятини тартибга солувчи қонун қабул қилинди. 1908 йили сайловлар яқинлашгани сари Рузвельтнинг шон-шуҳрати тобора ортиб борар эди. Бироқ у ҳеч бир президентликки муддатдан ортиқ сайлана олмаслик аниъансини бузгиси келмади. Шу боис Уильям Ҳовард Тафт номзодини қўллаб-қувватлаган. Тафт сайлоода ғолиб чиқиб, Рузвельт бошлаб берган ислохотлар дастурини давом эттиришга интилди.

Илгари судьялик қилган, Филиппин оролларида губернатор ва Панамо каналига маъмурий раҳбар бўлган Тафт ислохотлар соҳасида муайян тадбирлар ўтказди. Трестлар ҳукмронлигини чегаралашни давом эттирди, штатлараро тижорат комиссиясининг ваколатларини янада кучайтирди, почта жамғарма банкни ва почта жўнатмалари тизмасини таъсис этди, фуқаро хизмати доирасини кенгайтди ва конституцияга иккита қўшимча киритилишига хомийлик қилди.

16чи Қўшма Федерал даромад солиғини киритди. 1913 йили тасдиқланган 17 чи Қўшимча Штат қонун чиқариш тармоқлари томонидан сенатор тайинлаш тизмаси ўрнига сенаторларнинг бевосита халқ томонидан сайланишини жорий этди. Ўзга жиҳатдан эса, Тафт муҳофаза тарифларининг ёнини олди ва шу туфайли либерал доираларнинг норозилигига дучор бўлди. Либерал конституцияга молик бўлгани учунгина Аризона Штатини консерватив қанотига тобора кўпроқ таяниб борди.

1910 йилга келиб Тафт партияси бўлиниб кетди ва кўпчилик овозга молик бўлган Демократлар Конгрессда назорат ришталарини ўз қўлига олди. Орадан икки йилдан кейин Демократик партия аъзоси Нью-Жерси Штатининг прогрессив губернатори Вудро Вилсон президентликка сайлов

олди компаниясида Республикачилар партиясининг номзоди Тафт ва номзодлиги Республикачилар конвенти томонидан рад этилгач учинчи партия прогресчилар партиясини тузган Рузвельтга қарши курашди.

Шиддатли ўтган сайлов олди компаниясида Вильсон иккила рақибини ҳам сиқиб чиқди. Унинг раҳбарлигида янги конгресс Америка тарихида энг ёрқин қонун чиқариш дастурларидан бирини тадбиқ этиб, уни тариф нархларини қайта кўриб чиқишдан бошлади. Тариф солиқларини ўзгартириш лозим. Имтиёзга йўл очиб берувчи ҳар қандай нарсани ман этишимиз керак” деди Вильсон.

1913 йилнинг 3 октябрида имзорланган Андервуд тарифи хомашё ва озиқ-овқатлар маҳсулотлари, пахта жун, темир ва пўлат моддаларанинг импортига таъриф солиқларини сезиларли даражада пасайтириб, юздан ортиқ ўзга нарсаларни мамлакатга ож солиқларисиз олиб киришга рухсат юерди. Бу қонун кўп муҳофаза хусусиятларини сақлаб қолганига қарамай ҳаёт кечириш қийматини пасайтириш борасида ихлосан уриниш бўлди.

Демократик партия дастурининг иккинчи фасли ўзгаришларга мойил бўлмаган банк тизими ва пул муомиласини қайта қуришга қаратилди. Бу борада Президент Вильсон шундай дейди. “Назорат (молия соҳасида) хусусий эмас, давлат томонидан амалга оширилиши лозим. У ҳукумат кўлига топширилиши керак, шунда банклар бизнеч ва шахсий ишбилармонлик ва ташаббус соҳаларининг хўжайиглари эмас балки бир воситага айланиши мумкин бўлади”.

1913 йилнинг 23 декабрида қабул қилинган Федерал Резерв қонуни Вильсон эришган энг барқарор қонун чиқариш ташаббуси бўлди. Унга биноан давлатда мавжуд банк тизими янгидан шаклланиб мамлакатни 12 та ноҳияга бўлди. Ҳар бирига федерал резерв банки киритилиб, барчаси Федерал Резерв бошқармаси томонидан назорат этилди. Мазкур банклар нақ пул жамғармаларини сифатида жорий этилиб, тизимга кирган банкларнинг пулларида таркиб топди.

Федерал резерв қонуний тадбиқэтилишидан аввал АҚШ ҳукумати пул таъминоти масаласида назоратни асосан тартибга келтирилмаган хусусий банклар қармоғига бериб қўйган эди. Пул айрибошлашнинг расмий восита омили олтин бўлган пайтда аксарият қарзлар ва тўловлар қоғоз банкнотлари ёрдамида бажарилган ва олтин билан ўрин босиш ваъдасига асосланган. Бу тизимнинг мушкул томони шундан иборат эдики, банклар ўз нақд манбаларидан фойдаланиш васвасасига тушиб мунтазам саросимини юзага келтиришган ва унинг асносида ҳадиксираган пул соҳиблари банк қарзларини нақд пулга алмаштиришга ўтилган.¹

Қонун тадқиқ этилиши билан пул таъминоти тартиблаштирилиб, бизнеч талабларига жавоб берувчи Федерал Резерв банкнотлари чиқариш йўлга қўйилди. Кейинги муҳим масала трестлар фаолиятини тартибга солиш ва корпорациялар омонидан йўл қўйилган суиътемомол холларни тафтиш этиш бўлди. Штатлараро савдо сотиқда бизнес қонуёнрлари томонидан “рақобатнинг адолатсиз усулларини қўллашни” ман этувчи фармонлар чиқариш ваколатини конгресс федерал тижорат комиссиясига топширди.

Иккинчи қонун Клейтон Антитрест қонуни авваллари корпорациялар фаолиятида қораланмаган кўп омилларни ман этди, шулар қатори бири-бирига боғланган директорлар ҳайъатлари, харидорларга фарқ қилувчи нарх-наволарда маҳсулот сотиш, ишчилар билан низоларда суд фармонларини қўллаш ва корпорациянинг ўхшаш корхоналарида акцияларга эгаллик қилиш фермерлар ва ўзга ишчилар ҳам назардан четда қолмади. Федерал қарз ҳақидаги қонун фермерларга паст устама фоизли қарз маблағлари олиш имконини берди. 1915 йилги денгизчи қонуни кема тақимларининг ҳаёт ва меҳнат шароитларини яхшилади.

1916 йилги федерал ходимларга бадал тўлаш ҳақидаги қонун иш жойида жароҳатланган фуқаро хизмати ёлланма ходимларга ишча

¹ Пономарёв М.В, История стран Европы и Америки новейшие время в вопросах и ответах. Москва, 2008, С.174

муқобиллик бўйича нафақа тўлашни жорий этди. Ўша йили қабул қилинган Адамсон қонуни темир йўл ишчилари учун 8 соатлик иш кунини жорий этди.

У биринчи жаҳон уруши арафасида божхона тарифлари тўғрисида янги оқнун қабул қилишга эришди. Бу қонунга кўра тариф ставкаси 10% камайтирилди. Даромаднинг ошиб боришига қараб қўшимча солиқ солинадиган бўлди, сайлов тизимида ҳам ислохотлар ўтказилди.

1914 йилда АҚШ конгресс трестларга қарши қонун қабул қилинди. Бу қонун иш ташлаш даврида трестларга етказилган зарарни касаба кўшмасидан ундириб олиш тартибини бекор қилди.

Президент Вильсон эришган ютуқлари туфайли Америка тарихида давлатнинг энг буюк сиёсий ислохотчилари қаторидан ўрин эгаллаган. Бироқ мамлакат ичкарасидаги обрў-эътибори биринчи Жаҳон уруши даврида қўллаган чоралар соясида қолиб кетди. У мамлакатни урушдан ғалабага етаклаб олиб чиқди. Бироқ ундан кейинги тинчлик даврида халқ мададини сақлаб қола олмади.

Америка Қўшма Штатларнинг қиёфаси XIX асрда ва XX асрнинг бошида яна бир бор ўзгарган. Қишлоқ хўжалигига асосланган қишлоқлардан таркиб топган ўлка умуртқа поғонаси пўлат ва кўмир, темир йўллар ва буғ энергиясига таянган саноатлаштирилган давлатга айланди. Миссисипи дарёси бўйлаб чегараланган ёш давлат Шимолий Америка қитъаси узра кенгайиб, денгиз ортидаги территорияларга ҳам қўли етди. Қулдорлик масаласи аоссида бўлинган ва фуқаролар уруши гирдобидида синалган бу давлат ўз жаҳоншумул давлатга айланган.

1914 йили Европада урушнинг бошланиб кетиши Америка жамиятини карахт этди. Аввалига бу тўқнашув олисларда бўлаётганидек туюлди, аммо унинг иқтисодий ва сиёсий таъсири тез орада сезилди. Инқирозга аста-секин оғаётган АҚШ саноати 1915 йилга келиб Ғарбий Иттифоқдошлардан тушаётган ҳарбий буюртмалар ҳисобига қайта раванқ топа бошлади. Урушда қатнашаётган иккала томон ҳам

америкаликларнинг эҳтиросини кўзғотиш учун ташвиқот қўллади, америкаликларнинг 3/7 қисми хорижда туғилган ёки ота-оналаридан бири ёки иккиласи ҳам хорижда туғилган.

Ундан ташқари Британия ва Германия очик денгизларда АҚШ кемаларига ҳужум қилди ва президент В.Вильсон кескин норозилик билдирди. Германия билан АҚШ ўртасидаги кескинлик таҳликали тус ола бошлади.

1915 йилнинг феврида Германиянинг ҳарбий раҳбарлари Британ ороллари атрофига яқинлашган барча тижорат кемаларига ҳужум қилишни эълон қилди. Президент Вильсон АҚШ нейтрал давлат сифатида савдототиқ қилишдан воз кечмаслигини огоҳлантирди. Ушбу нейтрал ҳуқуқ Германия ва Буюк Юритания томонидан маъқулланмаган. Вильсон шуни таъкидлаб ўтдики: Америка кемалари ёки одамларига етган талофат эвазига Германияни “жиддий” жавобгарликка тортади. Орадан кўп ўтмай 1915 йилнинг баҳорида 1200 одами билан (128 тас америкалик бўлган) Британиянинг Лузутания лайнер кемаси ғарқ этилганида норозилик кескин тус олди.

АҚШнинг уруш эълон қилишидан ҳавотирланган Германия ўз сув кемаларининг командирларига буйруқ берди ўч олишдан олдин ҳатто душман байроғи остида сузиб кетаётган кемани огоҳлантириш, бироқ 1915 йилнинг 19 августида бу буйруқлар писанд қилинмай Британиянинг “Арабик” кемаси огоҳлантиришсиз чўктирилди. 1916 йилнинг март ойида Германия кучлари Франциянинг “Сассекс” кемасига торпедо ҳужуми уюштириб, бир неча америкаликни жароҳатлашган. Шунда Президент Вильсон ультиматум қўйиб, агарда Германия сув ости кемалари бундай жанг қилиш тажрибасига барҳам бермаса АҚШ дипломатик алоқаларини узади деди шунда Германия ён босишга мажбур бўлди.

Натижада Вильсон ўша йилги қайта сайловлардан ғолиб чиқди. Ўз партиясининг “У бизни урушдан сақлаб қолди” деган шиори ҳам ёрдам берди. 1917 йилнинг январида Сенатдаги нутқида президент

Вильсон”Ғалабасиз тинчлик” ўрнатишга даъват этди. Унинг таъкидлашича фақат шундай тинчлик давомий бўлиши мумкин.

1917 йилнинг 22 январида Германия ҳукуматичекланган сув ости уруши қайта жорий этилишини эълон қилди. Апрель ойида АҚШнинг 5 та кемаси ғарқ этилганида президент Вильсон конгрессда уруш эълон қилишни сўради. Дарҳол АҚШ ҳукумати ўз харбий ресурслари, саноати, меҳнат кучи ва қишлоқ хўжалигини уруш эҳтиёжларига сафарбар этишга киришган. 1918 йилнинг октябрига келиб Иттифоқдошларнинг ғалабаси арафасида 1750000 аскардан иборат АҚШ армияси Францияга жойлаштирилган.

Британия томонидан сув ости кемалари канални ёриб ўтишда АҚШ харбий денгиз кучлари ва 1918 йилнинг ёз фаслида анчадан бери қутилган Германия ҳужумидан генерал Жон Перснинг қўмондонлигидан яхлит келган Америка лашкарлари ерда ҳам ҳал этувчи роль ўйнади.

Президент Вильсон урушнинг тезроқ тамом бўлишича салмоқли улуш кўшди. У Иттифоқдошларнинг урушдаги мақсадларини белгилади ва уруш Германия халқига қарши эмас балки унинг монархик ҳукуматига қарши йўналтирилгани ҳақида таъкидлади. Адолатли тинчликка эришиш мақсади сифатида 1918 йил Сенат муҳокамасига киритилган Вильсоннинг машҳур “14 банди” махфий халқаро битимларни ман этиш денгиз сувлари дахлсизлигини кафолатлаш давлатлар орасидаги тариф тўсиқларни бартараф этиш давлатнинг қуролланиш даражасини пасайтириш ва колониал низоларни уларда истиқомат қилувчи халқларнинг манфаатларини ҳисобга олиб хал этишга даъват этилган эди. Ўзга бандлар Европа мамлакатларининг ўз-ўзини бошқариш ва эркин иқтисодий ривожини таъминлашни кафолатлаган 14 банд Вильсон таклиф этган тинчлик гумбазининг тамал тоши эди. Ҳам катта ҳам кичик давлатлар учун сиёсий

мустақиллик ва территориал дахлсизлигини ўзаро кафолатлаш учун давлатлар уюшмасини шакллаш.¹

Қолаверса тинчлик ўрнатиш борасидан президент Вильсон таклифларидан айримларигина тасдиқланди холос, президентни ўзи миллатлар лигасига аъзоликни рад этди.

Вильсоннинг уруш ва тинчликнинг ахлоқий ва ҳуқуқий асосларига эга бўлган ишончи Америка халқини илҳомлаштирди.

Урушдан сўнг юзага келган иқтисодий саросима катта умидлар туғдирди. Бироқ тез орада иқтисод ўз одатдаги ҳолига қайтиб пучга чикди. Ўз навбатида ишчилар ҳаёт кечириш учун нарх-наволарнинг ошгани, узайтирилган иш куни ва кўпол бошқарув холларидан норозилик билдиришди.

1920 йилнинг президент сайловларида республикачилар партиясининг номзоди У.Ж.Гординнинг ғалабаси, Вильсоннинг интернационализмидан воз кечишини билдирар эди. Бу сайловларда илк бор аёллар ҳам президентликка номзод учун овоз беришди. У шундай бир ишончга асосланган эдики, агарда ҳукумат хусусий тадбиркорликни ривожлантириш учун кўлидан келган нарсани қилса, аксарият аҳолининг фаровонлиги сезиларли даражада ошади.

Мазкур таърифлардан иккинчиси яъни 1930 йилнинг Смут-Хоули қонуни тариф устамаларини шу қадар кўтариб юбордики, 1000 дан ортиқ иқтисодчилар президент Гумберг Гуверга хат юбориб, бу қонунга таъқиқ кўйишни илтимос қилдилар. Кейинги воқеалар уларнинг башорати тўғри эканлигини кўрсатди, ўзга давлатлар Америка учун қимматга тушган жавоб чораларини қўллади. Аини пайтни ўзида, молия вазири Андрэ Меллоннинг мулоҳазасига биноан даромадга солинувчи юқори солиқлар бойларни янги саноат корхоналарига сармоя киритишдан сақлаб турганини инобатга олиб федерал ҳукумат солиқларни пасайтириш дастурини

¹ Пономарёв М.В, История стран Европы и Америки новейшие время в вопросах и ответах. Москва, 2008, С.180

бошлаб юборди. Меллоннинг таъкидлашича уруш пайтидан сақланиб қолган даромад солиқлари, зиёда фойда солиқлари ва корпорацияларга солинувчи солиқлар бекор этилмаган ёки сезиларли қисқартирилмаган эди.

1921-29 йиллар мобайнида содир этилган қатор қарорларда конгресс унинг таклифларига хайрихоҳ муносабат билдирган.

“Америка халқининг асосий иши ишбилармонликдир” деб эълон қилди К.Кулижд президент лавозимини эгаллаганидан сўнг.1920 йиллар узра хусусий тадбиркорлик соҳаси қурилиш учун қарзлар, юк ташиш борасида даромадли контрактлар ва ўзга билвосита субсидиялар тариқасидаги сезиларли мадад олган. Масалан, 1920 йилнинг нақл воситалари қонуни уруш пайти ҳукумат назорати остида бўлган давлат темир йўлларини хусусий компанияларга қайтариб берди. 1917-1920 йиллар мобайнида ҳукумат қўлига ўтиб, фаолияти асосан у томондан юргизилган савдо флоти ҳам хусусий компанияларга сотилган.

1920 йилларнинг фаровонлигидан фермерлар баҳраманд бўлган ждилар. 1900-1920 йиллар мобайнидаги давр фермерларининг умумий раванқ ва ферма маҳсулотларига нархларнинг ўсиши даврларидан бўлиб уруш пайти АҚШ ферма маҳсулотларидаги талабнинг мисли кўрилмаган даражада кўтарилиши, қишлоқ хўжалик маҳсулотларини ишлаб чиқаришини кучли рағбатлантирди. Фермерлар узок вақт қаровсиз қолган ёки илгарилари ҳеч қачон ишламаган қўриқ ерларни ўзлаштирди. АҚШ фермерларининг нархи ошгани сари фермерлар қўли етмаган мол маҳсулот ва машина ускуналарини харид эта бошлади. Бироқ 1920 йилнинг охирига келиб уруш пайти талабининг пасайиши туфайли бугдой ва маккажўхори каби тижорий хажмдаги қишлоқ хўжалик ҳосиллари инқирозга учради. Америка қишлоқ хўжалигининг тушкунлигига қўп омиллар ҳисса қўшди, бироқ энг сезиларлиси хориждаги бозорлардан айрилиш бўлди. Дунё бозорини эшиклари аста-секин ёпила бошлади.¹

¹ Пономарёв М.В, История стран Европы и Америки новейшие время в вопросах и ответах. Москва, 2008, С.184

1920 йил мобайнида хориждан иммиграцияни чеклаш АҚШ сиёсати сезиларли ўзгаришни белгилаган. Иммиграция XIX асрнинг охирида кучая бориб XX аср бошларида авжига чиққан. 1900-1915 йиллар мобайнида Жанубий ва Шарқий Европадан 13 млндан ортиқ одамлар кўчиб келган. Айримлари янги келаётганлар паст маошли иш жойларга рақобат туғдирганидан ғазабланган бўлса, ўзгалари эса янги келучилар эски дунё улар одатларини қувватлаб, кўпинчалик шаҳарларда этник шамоллар бўлиб яшагани ва улкан Америка маданиятига сингиб кетишга қарши турганидан норозилик билдирдилар.

I жаҳон урушидан сўнг вужудга келган мазкур иммигрантлар оқими инатидасида маҳаллий аҳоли фаоллашди. Иммиграцияга қаршилик қатор чора-табдирларда ўз аксини топиб 1924 йилга иммиграцияга квота қонуни ва 1929 йилги қонунда намоён бўлди. Мазкур қонунлар муҳожирлар сонини 150000 киши билан чегаралади. Мазкур чеклашлар натижасида маҳаллийчилик ташкилотларини сони қисқарди.

Спиртли ичимликларни ман этиш умумдавлат миқёсида анча кенг кўламли оқибатларга келтирган турли маданиятларнинг жиддий тўқнашувига бир мисолдир. 1919 йили салкам бир асрлик ташвиқотдан сўнг Конституцияларни ишлаб чиқариш сотиш –ва нақд этиш ман этилди. Америка жамиятидан майхона ва ичувчиларни йўқ қилишга қаратилган бўлишига қарамай бу қонун “хилватхоналар” деб ном олган минглаб ноқонуний майхоналар ва “бутлагерлик” (спиртли ичимликлар маҳфий сотиш) сифатида ном чиқарган алкоголик ичимликлар етказиб беришнинг даромадли жиноий фаолият турининг юзага келишига туртки берди. Баъзан “олижаноб тажриба” деб номланувчи мазкур ман этиш қонуни 1933 йили бекор қилинган.

ХУЛОСА

Америка Қўшма Штатлари иккита буюк уруш Фуқаролар уруши ва биринчи жаҳон уруши оралиғида улғайди. 50 йилдан камроқ вақт мобайнида у қишлоқ хўжалик республикасида шаҳарлар давлатига айланди. Чегара бўйи работлари ғойиб бўлди. Улкан фабрикалар ва пўлат қуйиш заводлари қитъа узра темир йўллар, фаровон шаҳарлар ва улкан қишлоқ хўжалик мажмуалари ўлкани яшнатиб юборди. Умумдавлат миқёсида бизнеч корхоналари мустақил ёки ўзгалар билан бириккан равишда бутун бир саноат соҳаларига ҳукмронлик мавқеига кўтарилди. Меҳнат шароитлари эса аянчли ҳолатда эди. Шаҳарлар шу қадар тез сураатлар билан ривожландики уўзининг тобора ўсиб борувчи аҳолисини уй жой билан таъминлаш ёки бошқаришга қурби етмас эди.

Бир ёзувчини таъбири билан айтганда “фуқаролар уруши мамлакат тарихи узра жароҳат тилди ва 20-30 йил илгари саҳнага олиб чиқди”. Уруш эҳтиёжлари ишлаб чиқаришни беқиёс даражада рағбатлантириб тиллар буғ ва электр қувватидан фойдаланишга асосланган иқтисодий жараённи тезлаштириб юборди ҳам илм-фан ихтироларини олға силжитди. 1880 йилдан илгарилари 36000 патент қайд этилган бўлса, келгнуси 30 йил мобайнида 44000 патент берилиб ХХ асрнинг биринчи чораиғида эса улар сони салкам 1 млн ташкил этди.

1844 йили Сэмуил Ф.Б. Морз электр телеграфни такомиллаштирди ва орадан кўп ўтмай мамлакатнинг узоқ-узоқ жойлари электр устунлари ва симлар воситасида бир-бири билан боғланди. 1876 йил А.Грэхем Белл телефон ускунасини намоён этди ва ярим аср мобайнида ўрнатилган 16 млн телефон жиҳозлари давлатнинг ижтимоий иқтисодий ҳаётини тезлаштириб юборди. 1867 йил ёзув машинаси, 1886 йили Арифмометр ва 1897 йили касса жиҳозларининг ихтиро этилиши туфайли бизнес соҳасининг равнақи тезлашиб кетди. 1886 йили Линотим (ҳарфларни сатр-сатр қилиб терадиган машина) ва ротация (кўпайтирувчи) мошина ҳамда

муковаловчи ускуналар ихтироси бир соатда 8 саҳифалик гаазетанинг 240000 нусхасини нашр этиш имконини берди.

Т.Эдиссоннинг чўғланма лампаси том маънода кўплаб уйларни чароғон этди. Гапирувчи жиҳоз яъни фонограф ҳам Эдисон томонидан такомиллаштирилган бўлиб у Ж.Истмен билан биргаликда ҳаракатланувчи суръат кинематографни ҳам яхшилашга кўмаклашган.

Илм-фан ва буюк истеъдод самараларининг ҳаётга тадбиқ этилиши деярли ҳар бир соҳада ишлаб чиқариш самарадорлигини янги даражага кўтарди.

Айни пайтда давлатнинг пойдевор саноати юқори тариф ёрдамида ҳимояланган Фарбий штатларда марказланган қора металлургия саноати географ янги қазилма конларининг кашф этгани сари Фарб томон сурилиб борди. Юқори кўлнинг тепасидаги улкан Семмеби темир кони дунё узра энг йирик темир ишлаб чиқарувчига айланди. Бу кимёвий жиҳатидан зарарли моддалардан ўта тозалиги туфайли бу кон маҳсулотидан илгариги нархнинг ўндан бир ҳажмини ҳаражатлар билан олий сифатли пўлат олиш мумкин бўлди.

Эндрю Корнеги пўлат ишлаб чиқаришни ўта ривожлантирган одам бўлган. У Пенсильвания штатида Моконгахила дарёсида барпо этган пўлат куйиш заводи мамлакатда энг йирик корхона эди. У янги заводларни устидан раҳбарлик назоратига эришиш билангина чекланмасдан балки кокс ва кўмир қазиб олиб корхоналари, юқори кўлнинг темир конлари Буюк йўллардан пароходлар флоти, Эри кўлидаги порт шаҳри ва уларни бир-бирига боғловчи темир йўл устидан ҳам назорат ўрнатган. Ўнлаб ўзга компаниялар билан биргалишиб тўмир йўллар ва кема юк ташиш тизмаларидан қулай шароитларга эришди. Илгари Америка саноатининг бирон бир соҳаси шу қадар тез ривожланмаган эди.

1901 вужудга келган Америка Қўшма Штатларининг пўлат корпорацияси (Ютайнен Стейтс Стил Корпорейшн) 30 йилдан бери давом этиб келаётган жараён яъни мустақил саноат корхоналарининг федератив

ёки марказлашган компанияларга беришини намоён этди. Бу мақсадларга эришиш учун “корпорация” ва “треатлар” туза бошлаган эди.

Катта сармоя жамғармаларини барпо этиш бизнес корхоналарига мунтазам ва узлуксуз назорат ришлталарини бериш юксак даромад олиш ва бизнес қулаганда чекланган масъулият илинжи сармоя соҳиблари ўз акцияларини раҳбар хомийлар қўлига ишониб топширар эди. Мазкур трестларнинг кенг қамроқли бирикмаларини тузиш назорат ва маъмуриятни марказлаштириш ҳамда ихтиро патентларини харид қилиш имкониятига молик эди. Уларнинг улкан маблағ русерслари ўз соҳаларини кенгайтириш хорижий бизнес ташкилотлари билан рақобатлашиш ва тобора уюшқоқ самарали шакл олувчи ишчилар билан савдолашиш имконини берар эди. Жон Д.Рокфеллер томонидан таъсис этилган “Стандарт ойл компани” дастлабки энг қудратли корпорацияларидан бири бўлиб пахта ёғи, шакар, тамаки, резина соҳасида ўзга бирикмалар ҳам ташкил этила бошлади.

Тез орада агрессив якка бизнесменлар саноат соҳаларини ўзлаштириб “қаричлай” бошлаганлар. Ўғит маҳсулотларининг 4 та йирик таъминотчилари Ф.Армор ва Г.Свифт бошчилигида гўшт трести барпо этилди. С.Маккормик ўрим машиналарини ишлаб чиқаришда хукмронликка эришди. 1904 йил ўтқазилан ўрганишлар илгариги 5000 сустақил концернлар 300 га яқин саноат трестларга бирлашганини кўрсатди.

Бирлашиш ўзга соҳаларда ҳам намоён бўлган яъни коммуникацияларда. Илк улкан коммуникациялар (телефон, телеграф) бирлашмаларидан бери “Вестерн Юнион”, сўнгра “Белл Телеком Систем” ташкил этилиб, ундан кейин “Америкэн телефон энд телграф Компани” вужудга келди. 1860 йилларда К.Вендербилт 13 га яқин айри-айри темир йўлларни қўшиб, бир-биридан 800 км узокликда жойлашган Нью-Йорк Сити ва БУффало шаҳарларини яхлит темир йўл билан боғлади. Келгуси ўн йил мобайнида Иллинойс Штатининг Чикаго шаҳри ва Мичига

Штатининг Детройт шахрига элтувчи темир йўлни харид қилиб “Нью-Йорк Централ Рейлроуд Систем” (“Нью-Йорк Марказий темир йўл системаси)ни бунёд этди. Ўзга бирикмалар ҳам тузилиб тезда давлатнинг асосий темир йўллари бир гуруҳ одамлар томонидан бошқарилувчи ўқ йўллар ва тизмаларга шаклланди.

Мазкур янги саноат тизмасининг ўзига хос системаси шахар бўлиб давлатнинг барча иқтисодий ҳаракатчан кучлари ўзида марказлаштирди. Шу жамладан сармоянинг улкан жамғармалари, бизнес ва молия қурилмалари, темир йўлларнинг назорат марказлари, тутун буркаётган фабрика заводлар.

1887 йили президент Г.Кливленд штатлараро тижорат қонунини имзолади. Унга биноан ҳамда зиёд нарх-наволар, пуллар, арзонроқ нархда сотиш ва нарх белгилашдаги бебошликлар ман этилди ва қонунни бузиш ҳолларини олдини олиш ниятида Шаталараро тижорат комиссияси (ШТК) таъсис этилган. Бироқ бу комиссия вужудга келган биринчи пайтларда (ШТК)нинг тартиб ўрнатиш ва нарх наволарни пасайтиришга қаратилган ўринишларини назарга олмай темир йўллар Олий Судининг аввалги қарор тартиботларини қўллашди.

Саноат соҳасидаги улкан муваффақиятларга қарамай қишлоқ хўжалиги мамлакатнинг асосий тармоғи бўлиб қолмоқда эди. Қишлоқ хўжалигидаги инқилоб Фуқаролар урушидан сўнг мол маҳсулот ишлаб чиқариш соҳасидаги муқобил инқилоб билан биргаликда кул меҳнатидан фойдаланишдан мошиналар ёрдамида хўжалик юритиш ва кун кечириш учун ер ҳайдашдан савдо-сотик ниятида қишлоқ хўжалик юритиш томон бурилди. 1860 ва 1910 йиллар мобайнида АҚШдаги фермерлар сони 3 баравар кўпайиб 2 млндан 6 млнгача ошди. Асосий қишлоқ қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштириш бўйича 2 баравардан ортиқ ошиб кетди. Ушбу мисли кўрилмаган ютуқлар муҳим омиллардан иборат бўлиб, бири Ғарб томон кенгайиш бўлди. Фермерликка машиналарни жорий этилиши ўзгача бўлди. 1840 йили С.Микормик 10 йил давомида бунёд этган

хаёритомуз ўрим мошинаси ёрдамида кунига 2,5 гк буғдой ўриб мўъзижа кўрсатган. Талаб йўналишларини кўра билиб у премялар орасида кад кўтараёган ёш шаҳар Чикагога келди, корхона ташкил этди. 1860 йилга келиб чорак млн ўрим машиналарини сотди.

Тез орада бошқа фмирма машиналари ҳам ихтиро этилди, автоматик равишда боғ тугадиган мошина, ғалла янчийдиган машина, ўрим янчиш машинаси, яъни комбайн, механик экувчтлар, қиркувчилар, луси архивчалар, ерни юмшатувчилар, крем қилувчи сепараторлар, ўғит сочувчи, картошка экувчи, сомон қуритувчи, уй паррандалари инкубаторлари ва юзлаб ихтиролар пайдо бўлди.

Қишлоқ хўжалиги техникаларни киритилиши билан бир қаторда илм-фан муҳим роль ўйнаган. 1862 йили қабул қилинган коллежга ер ажратиш Морил қонуни ҳар бир штатга қишлоқ хўжалик ва саноат коллежларини барпо этиш учун давлат ерларидан ажратиб борди. Бундан мақсад ҳам таълим институтлари ҳам илмий асосдаги фермерлик соҳасида тадқиқотлар ўтказиш марказларини барпо этиш эди. Тез орада конгресс мамлакат узра қишлоқ хўжалик тажриба станциялари барпо жтиш учун қишлоқ хўжалик вазирлигига ҳам бевосита маблағ йўналтирган.

1880 йилларда Жануб минтақаси саноати жадаллаштиришга интилган. Саноатнинг пўлат қуйиш, ёғоч тайёрлаш, тамаки ва тўқимачилик тармоқларини ривожлантириш мақсадида сармоя соҳибларига катта имтиёзлар таклиф этилган.

Ишбилармон кишилар ўзларининг йирик қора молларин давлат ерлари уўра ғарб томон ҳайдаб бошлаганда Техас саноатининг муҳим соҳаси бўлган чорвачилик равнақ топди. Конзасдаги темир йўл юк ташиш бекатига ҳаракат бошланганидан юрган йўлларда ўтлаб юрган чорва моллари манзилга каттароқ ва семизроқ етиб боришган. Тез орада бундай узоққа ҳайдаш тажрибаси таомилга кириб юзлаб километр масофадаги йўллар Шимол томон ҳайдалаётган чорва моллари билан қопланди. Чорва ўстириш Миссури минтақаси узра ёйилиб Колорадо Вайоминг, Канзас,

Небраска ва Доката территорияларида улкан ранчолар пайдо бўлди. Фарбадаги шаҳарлар мол сўйиш ва гўшт тақсимлаш марказлари сифатида равақ топди. Ранчо меҳнати ёрқин ковбой сиймосига хос кийим кечак тарзини таомилга қаратид. Кўчқинчи Фермаси Қонунига асосан улар ўз талабларини молиявий жиҳатдан мустаҳкамлаб ерларни янги ихтиро этилган тиканли сим билан чагаралашди. Бу ерларни ноқонуний равишда кесиб ўтувчи ковбой ранчоларни ўтказмай қўйганлар.

Т.Рузвельт президетлиги даврида республика дунё миқёсидаги давлатга айланган қишлоқ хўжалиги ва саноатда улкан муваффақиятларга эришган. Бепул давлат таълими кенг миқёсда жорий этилиб эркин матбуот шаклланди, диний эътиқод эркинлиги тадбиқ этилди. Катта бизнеснинг таъсири илгариги пайтларга нисбатан анча мустаҳкамланди.

Шу йиллар (таракқийпарварлик) деб аталган ислохот ҳаракати вужудга келиб, Америка сиёсати ва тафаккурига ўзига хос кўриниш ато этди. Уларнинг мақсадлари жамиятни янада демократлаштириш ва ижтимоий адолат, шарафли ҳокимият бизнес соҳасида янада фаол тартиб ўрнатиш ва давлат хизматига ишончни вайта тиклаш бўлган. Умуман олганда ҳукумат фаолият доирасининг кенгайиши АҚШ жамияти тарақиётив а фуқароларнинг фаровонлигини таъминлашга ишонишган. Ўша даврнинг деярли барча олижаноб арбоблари ҳоҳ сиёсатда бўлсин, ҳоҳ фалсафада, илм-фан адабиётда ҳеч бўлмаса ақалли даражада ислохот ҳаракати билан боғлиқ бўлган.

XX аср бошида аксарият катта шаҳарлар ва штатларнинг ярмидан кўпида давлат ишида машғул ишчи ходимлар учун 8 соатлик иш куни жорий этилган. Иш жойида ишчиларнинг жароҳатланишига ишчи ёлловчилаарни қонунан масъул қилувчи қонун асосида ишчиларга бадал тўлашнинг аҳамияти катта бўлди.

Шунингдек даромадга тааллуқли янги қонунлар киритилиб меросга ва фойдага солиқлар солиш корпорацияларнинг мулки ёки даромадларига солиқ солиш орқаси ҳукумат юкини енгиллаштириш йўлларини имзолади.

Ислохотлар ўтказиш ва халққа “Адолатли ёндашув” деб аталган йўналиш бериш тарафдори Рузвельт трестларга қарши қаратилган қонунларни тадбиқ этиш учун ҳукуматга кучли назорат ҳуқуқини бериш сиёсатини ўтказиш бошлади. Темир йўллар устидан ҳукумат назоратининг кучайиши асосий тартибот билларнинг қабул қилинишини тезлаштирди.

Улардан бири эълон қилинган нархларнинг қонуний мезонга айлантириб нархларни келишиб олиб пасайтиришда темир йўл идолари билан бирга юк ташувчилар ҳам бараварига масъул этилди.

Рузвельт ўткир қобилият ва “трестларни синдириш” фаолияти оддий одамларнинг ҳаёлини чўлғаб олди ва унинг прогрессив чора-тадбирлари барча партиялар омонидан маъқулланган. Шу боис иккинчи йилга қайта сайланган. Шундан сўнг биринчи қилган иши Темир йўлдан фойдаланишни янада қаттиқроқ тартиблаштиришга даъват этди. 1906 йили июлди конгресс Хэпберн қонунини қабул қилди унга биноан Штатлараро тижорат комиссиясига нарх-наволарни тартиблаштириш борасида ҳақиқий ваколар берилиб, юрисдикцияси кенгайтирилди ва темир йўлларни пароход компаниялари ҳамда кўмир қазиб олувчи компаниялар билан тил бириктиришдан воз кечишга мажбур этди.

Конгресснинг яна қатор чораларидан бири федерал ҳукуматининг назорат тамойилини янада ривожлантирди, озиқ-овқат маҳсулотлари қонуни дори-дармон ва озиқ-овқат тайёрлашда ҳар қандай зарарли модалар кимёвий бирикмалар ва консервантлар ишлатишни ман этди. Штатлараро тижорат соҳасида гўшт маҳсулотлари федерал назоратдан ўтказиш талаби бу соҳадаги компаниялар фаолиятини тартибга солди.

Шу жараёнда конгресс президент кабинетидан янги бўлим тижорат ва меҳнат вазирлигини таъсис этди. Бу йирик бизнес ташкилотлари ишларини текшириш ваколатига эга эди.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. Тошкент, 1997
2. Каримов И.А. Тарихий хотирасиз келажак йўқ. Тошкент, 1998
3. Каримов И.А. Юксак маънавият-енгилмас куч. Тошкент, 2008
4. Каримов И.А. Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида. Тошкент, 2011
5. Каримов И.А. Америкалик ишбилармон билан бўлган учрашувда сўзлаган нутқ 10 жилд, Тошкент, 2002
6. Александров В.В. Новейшая история стран Европы и Америки, Москва, 1988
7. Америка тарихи асослари. Тошкент, 2005
8. Всемирная История с древнейших времен до наших дней. Москва, 1997
9. Жаҳон мамлакатлари. Қисқача маълумотнома. Тошкент, 2006
- 10.Зубок Л.И. Очерки истории США (1877-1918 гг.). Москва, 1956
- 11.Засловский Д.О. Очерки истории Северно-Американских соединенных штатов. XVIII-XIX вв. Москва, 1931
12. Загладин Н.В. Всемирная История. Век XX, Москва, 1999
- 13.Капустин Б.Г. Гребальные проблемы мирового общественного развития. Москва, 1991
- 14.Кредер А.А. Новейшая история XX вев. Москва, 1996
- 15.Лофасов М. Ўзбекистон Республикасининг халқаро алоқалари. Тошкент, 1995
- 16.Лофасов М. Жаҳон тарихи. Тошкент, 2009
- 17.Пономарёв М.В, История стран Европы и Америки новейшие время в вопросах и ответах. Москва, 2008
- 18.Янги тарих. III том. Тошкент, 1964